ПАХТАКОРЛАРНИНГ УЛКАН ЖАСОРАТИ


Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ


№ 267 (4665).
24 НОЯБРЬ 1981 й.
СЕШАНБА.
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ





Республикамиз пахтакорлари улкан зафар қучдилар. Ҳар сафаргидек, бу йилги «оқ олтин» ҳосили йиғим-терими учун қураш фақат пахта далаларидагина эмас, завод ва фабрикаларнинг цехларида ҳам қизғин давом этди. Пахта терими мавсумида трактор заводи (чапдаги сурат), «Ташсельмаш» заводи (пастдаги сурат) коллективлари зарбдорларча меҳнат қилдилар. Заводларнинг конвейеридан мун сайин пландан ташқари машиналар тушиб турди. Улар тўғри далаларга жўнатиларди. Ўзбекистон улкан «оқ олтин» хирмони мустаҳкам, бузилмас «Уроқ ва Болға» иттифоқининг ёрқин тимсолидир.



Қишлоққа — самарали ёрдам

«Бугун республиканинг ҳар бир аҳолиси — колхозчи ва ишчи, ёзувчи ва олим, инженер ва педагог, хизматчи ва студент, врач ва уй бекаси ҳосилнинг тақдирига шахсан даҳлдор эканлигини англаб олиши, «оқ олтин» учун жангдаги ўз ўрнини виждон амри билан белгилаши, жонтани билан пахтакор бўлиши керак. Мана шу ҳал қилувчи кунларда ҳамма, айнан ҳамма далага чиқиши лозим. Бугунги кунда бизнинг битта энг асосий вазифамиз, мамлакат олдида битта масъулиятимиз бор: у ҳам бўлса пахтадир!»

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республиканинг барча меҳнаткашларига қарата қилган Мурожаатидаги ана шу сўзлар тошкентликларнинг қалбини ҳам жўш урдириб юборди. Шаҳарнинг барча меҳнат коллективлари умумхалқ ҳашарига отландилар. Кўпгина тошкентликлар пойтахт областининг дала шийпонларига, шунингдек Жиззах ва Сирдарё областларининг оталиқдаги хўжаликларига бориб, пахтазорлардаги энгатларга тушдилар, етиштирилган «оқ олтин»ни йиғиштириб олишда деҳқонларга активлик билан ёрдам бердилар. Пойтахт областнинг хўжаликларида шаҳарликлар хирмонга тўккан пахта 27 минг тоннадан иборат бўлди.

«Ташсельмаш», трактор, «Узбексельмаш», «Ташхимсельмаш», «Агрегат», экскаватор ремонти ва бошқа заводларда йиғув конвейерлари жадаллик билан ишлади. Ишлаб чиқарувчилар «Қишлоқ учун техника — муддатидан илгари» деган шиорни ўртага ташладилар. Натижада шаҳар қишлоқ хўжалиги машинасозлиги корхоналари ўн ой мобайнида деҳқонларга 7930 пахта териш комбайни, 19730 трактор, 7553 чигит сеялкаси, 31,7 минг атрофида прицеп, 4 мингга яқин чанглатгич-пуркагич тайёрладилар, қишлоқ хўжалик машиналарига миллионлаб сўмлик эҳтиёт қисмлар етказиб бердилар.

Бу техника деҳқонларнинг меҳнатини анча енгиллаштирди. Бундан ташқари шаҳарликларнинг ўзлари Ўзбекистоннинг катта пахтаси учун қураш бораётган бир пайтда ҳашарга отландилар.

«Уроқ ва Болға» Иттифоқига садоқатли бўлган шаҳар меҳнатчилари бугунги кунда республика далаларида эришилган катта меҳнат ғалабасини пахтакорлар билан баҳам кўрмоқдалар ва «Пахтамиз 6.000.000 тоннадан ошди!» деган сўзни баралла айтмоқдалар.

Машинасозлар улуши

Ҳар кунги қайноқ меҳнатдан сўнг узбексельмашчилар ўз уйларида сўзсиз телевизорларини қўйишиб «Ахборот» программасини томоша қиладилар ва ундан пахта далаларида ишлар қандай кетаётганлигини биладилар. Албатта пахта пунктларига узлуксиз оқиб келаётган «оқ олтин»ни кўриб, улар чин қалбдан қувонадилар. Машинасозлар ана шу «оқ олтин» хирмонининг бунёд этилишида қисман ўзларининг хиссалари борлиги билан фахрланадилар. «Узбексельмаш» заводи ишлаб чиқараётган селялкалар, гербицидларни ерга сочувчи мосламалар мўл ҳосил пойдеворини қўйиб беради. Уларнинг кўрак чувиш машиналари эса 1981 йил ҳосилига сўнгги нуқтани қўяди. Уларнинг ёрдамида кўплаб кўраклар чувилади.

— Кейинги пайтда 3-темирчилик-п р е с с лаш цехи коллективи жуда ҳам тиғиз ишлаяпти, — дея ҳикоя қилади цех партия ташкилотининг секретари, темирчи Ғ. Холматов. — Бошқа цехларнинг планни бажаришлари бизнинг ишимизга боғлиқдир. Чунки бизнинг цехимиз улар учун заготовкалар, деталлар ва узеллар етказиб беради. Социалистик мусобақада коммунистлар пешқадамлик қилишяпти. Ротация машиналари участкаси оператори О. Стикайло, электр-пайвандчи Ю. Попов, штамповкачи Р. Раҳматова ва бошқалар смена топшириқларини бирмунча ошириб бажаришга эришяптилар.

Ана шундай юксак меҳнат кўтаринкилиги бирлашманинг бошқа цехларида ҳам ҳукмрон. Бирор бир киши катта пахта хирмонини бунёд этиш ишидан четда қолмади.

Улуғ Октябрнинг 64 йиллиги арафасида узбексельмашлар товар-маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича йиллик мажбуриятларини бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Пландан ташқари кўплаб қишлоқ хўжалик машиналари, эҳтиёт қисмлар, 450 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республика коммунистлари ва камсомоллари, колхозчилари, совхоз ишчилари, механизаторларига, қишлоқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларига, барча меҳнаткашларига Мурожаатида айтилганидек қисқа муддатда етиштирилган барча ҳосилни нес-нобуд қилмай териб олиш даъватини завод коллективи қизғин маъқуллади.

Машинасозлар пахтакорларга ҳосилни йиғиштириб олишда яқиндан ёрдам бердилар. Шанба ва якшанба кунлари уларнинг катта бир группаси Тошкент области пахтазорларида бўлишиб, пахтакорларга кўмаклашдилар. Жумладан улар Янгийўл районининг Ленин ва Дмитров номли колхозлари далаларида мунтазам ишладилар.

Мана бугун республикамиз бўйлаб шодиёна хушхабар тарқалди. Йилнинг юксак мажбуриятни бажарилди. Ўзбекистоннинг улкан «оқ олтин» хирмони бунёд этилди. Машинасозлар «Уроқ ва Болға» иттифоқига содиқ қолишиб, келгуси йилнинг ҳосили тўғрисида қайгуришиб, 1982 йил экиш-тикиш мавсумига қўплаб янги техника етказиб бериш учун курашяптилар. Чунки чигит экиш ишлари пешонасига «Узбексельмаш» маркаси қўйилган трактор селялкаларидан бошланади.

В. ДРАЧЕВ,
«Узбексельмаш» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия комитети секретари ўринбосари.

ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА

⊙ 23 ноябрь куни Боннда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиуми Раиси Л. И. Брежневнинг ГФР федерал канцлери Г. Шмидт билан музокаралари бошланди.

Музокаралар давомида иккала томонни қизиқтирувчи халқаро проблемалар муҳокама қилинади.

Фикрлашув ошкоралик ва ўзаро ҳурмат руҳида ўтди. Музокаралар давом эттирилади.

⊙ 23 ноябрь тушдан кейин Гимних қароргоҳида Л. И. Брежнев билан Г. Шмидтнинг суҳбати бўлди.

Халқаро аҳвол масалалари ҳусусидаги фикрлашувлар давом эттирилди. Жумладан, Европани ядро уруши хавфидан халос қилиш, хавфсизликни мустаҳкамлаш, кескинликни юмшатиш ва Европа халқлари ўртасида тинч ҳамкорлик қилиш сиёсатига қайтиш проблемаларини ҳал этишга Совет Иттифоқи билан Германия Федератив Республикаси қандай ҳисса қўшишлари мумкинлиги тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

⊙ Кеча Боннда КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг ГФРга қилган визити доирасида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, СССР ташқи ишлар министри А. А. Громикоининг ГФР вице-канцлери ва ташқи ишлар министри Г. -Д. Геншер билан суҳбати бўлди.

ТЎҚИМАЧИЛАР ҲИССАСИ

Бу йилги пахта йиғим-терими мавсумида Тошкент тўқимачилик комбинати коллективи вакиллари ҳам фаол иштирок этдилар. Барча ишлаб чиқаришлардан борган 130 нафар ишчи ва хизматчи Тошкент область Оқ-қўрғон районининг «Ленинобод» колхозида жавлон уриб меҳнат қилди. Колхоз пахта тайёрлаш бўйича йиллик план ва мажбуриятларини муддатидан аввал ортиғи билан бажарди. Бунда икки бригадага бўлиниб ғайрат билан меҳнат қилган тўқимачиларнинг муносиб улуши бўлди.

— Ҳашарчиларимиз чакки меҳнат қилишмади,— деди пахтакорларга ёрдам берган тўқимачиларнинг бошлиғи Шукур Худойбердиевич Абдусоатов.— Уларнинг хирмонга тўккан жами «оқ олтин»и 80 тоннадан ортиб кетди. Пардозлаш фабрикасининг ишчиси С. Қорабоев, комбинат қошидаги ҳунартехника билим юртининг ҳодимлари З. Толибжонова, Н. Убайдуллаева, бош энергетик бўлими ходими Т. Сармонқулов, таъминот бўлими ходими Б. Раҳматов ҳар куни 50-60 килограммдан «оқ олтин» териб барчага намуна бўлдилар.

Пахта йиғим-терими-да пешқадамлик қилган ҳашарчилар қимматли буюмлар билан мукофотланишди.

Ҳашарчилар ҳузурида Тўқимачилар маданият саройи қошидаги эстрада ансамбли, «Озон» вокал-чолғу ансамбли иккиуч марта бўлиб концертлар беришди. Ҳашарчиларга кинофильмлар ҳам намойиш этиб турилди.

ШАҲАР ИНДУСТРИЯСИ РАПОРТИ

БУГУН

ШАҲАР САНОАТИ МАҲСУЛОТ РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШ ВА БУЮМЛАРНИНГ АКСАРИЯТ МУҲИМ ТУРЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БЎЙИЧА ЎН БИР ОЙЛИК ПЛАННИ БАЖАРДИ.

«СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик» шиори остида ўтаётган соцналистик мусобақада шаҳарнинг Ҳамза, Собир Раҳимов, Октябрь, Акмал Икромов, Чилонзор район-ларининг меҳнат коллективлари айниқса яхши натижаларга эришдилар. Ўзбекистон пойтахти саноат корхоналарининг меҳнатчилари КПСС Марказий Комитети ноябрь (1981 йил) Пленуми қарорларига жавобан ўн биринчи беш йилликнинг дастлабки йилини энг юксак ишлаб чиқариш натижалари билан якунлаш учун ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

ИЛҒОРЛАР САФИДА

«Узоргтехстро й м. елиорация» ташкилий — технология трестининг ходимларидан иборат бўлган комсомол-ёшлар бригадаси Тошкент областининг Пискент районидаги «Пискент-I» совхозининг 2-бўлими далаларида 40 тоннадан зиёд пахтани теришга муяссар бўлди.

Бригада аъзолари ўртасида «оқ олтин» териминиг дастлабки кунларидан бошлабоқ, энг юқори меҳнат кўрсаткичларига эришиш учун социалистик мусобақа авж олдириб юборилди. Ҳамма эътибор меҳнат рақобатининг муштараклигига қаратилди. Ҳар кунги теримдан кейин жанговар варақалар чиқариб, уларда пахта далалари зарбдорларининг номи ёзиб борди.

Инженер-техник ходимлар кўтаринки руҳ билан меҳнат қилдилар. Теримчилар орасида қолоқлар бўлмади, белгиланган топшириқни ҳамма уддасидан чиқди. Инженерлар Д. Камолова ва Н. Энсибоев, инструктор А. Исмоилов, экономист К. Камолиддинова, техник О. Ермоленко кундалик топшириқларни 1,5 ва 2 баравардан бажаришга эришдилар.

Социалистик мусобақанинг илғорлари «Узоргтехстроймел и о рация» трестининг партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари ҳамда маъмуриятининг фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалари билан мукофотландилар.

И. ЛЮБОВСКИЙ.
Ўзбекистон ССР Мелиорация ва сув хўжалиги министрлигининг матбуот марказ мухбири.

Техникага таяниб

Ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, бугунги кунда ҳар бир деҳқон техникага таяниб иш кўради. Бизнинг машинасозларимиз тайёрлаётган қудратли техника республикамизнинг ҳамма бурчакларида — пахта майдонларида жавлон уриб, деҳқоннинг оғирини енгил қилмоқда. Маълумки, бу йилги об-ҳаво жуда ҳам иноқ келди. Бу эса экиш-тикиш ишларида роят қийинчилик туғдирди. Пахта ва бошқа экинлар ҳосили хавф остида қолди. Лекин деҳқонларимиз эсанкирашмади. Улар ўзларининг мададкорлари — машинасозлар яратган техника билан тезда экиш-тикиш ишларини қайта амалга оширдилар. Албатта биз машинасозлар пахтакорларга ҳамиша ёрдам қўлини чўзаётганимиз билан чексиз фахрланамиз.

Мана корхонамиз бунёд бўлибдики, фақат қишлоқ хўжалиги учун техника ишлаб чиқаради. Ҳозирги замон қишлоқ хўжалиги машинасозлардан юксак унумли, қудратли тракторларни талаб этмоқда. Коллективимиз буни чуқур ҳис этади. Ана шу эзгу мақсад йўлида тинмай изланиш олиб борилмоқда. Бу ўз самарасини беряпти. Кейинги пайтда завод бош конвейеридан «МТЗ — 80Х» маркали кучли тракторлар туширib олиниши фикримизнинг исботидир. Биргина ўтган ўн ой мобайнида республикамиз қишлоқ хўжалигига планга қўшимча 144 та трактор, 206 та прицеп ва бир неча ўн минг сўмлик эҳтиёт қисмлар етказиб берилди.

Айниқса, бу йил коллективимиз табиий офатдан кўпроқ зарар кўрган Жиззах области меҳнаткашларига катта ёрдам қилди. Чўлқуварларга планда белгиланган 493 та «2ПТЕ—4-793» маркали прицеп ўрнига 800 та ана шундай «пўлат арава» етказиб берилди. Шунингдек, 60 от кучига эга бўлган «Т28Х4М» маркали тракторлардан 150 тадан ортиғи Жиззах области колхоз ва совхозлари ихтиёрига етказиб берилди. Тўрт ғилдиракли «пўлат от»лардан эса 200 та ўрнига 260 таси жўнатилди.

Республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатидан руҳланган заводимиз коллективи бутун куч ва имкониятини пахтакорларга ёрдам беришга қаратди. Улуғ Октябрнинг 64 йиллиги арафасида кўплаб ишчиларимиз йиллик планни муддатидан илгари бажарганликлари тўғрисида рапорт бердилар. Масалан, пахта йиғим-терими мавсумида кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш ва юксак унум билан меҳнат қилиш ташаббуси билан чиққан 7-механика-йиғув цехининг фрезерчиси В. Плабаев, 18-автоматика цехининг йиғувчиси Г. Смирновлар ҳар бир ишда жасорат кўрсатишиб, кунлик нормаларини 1,5 баробар бажаришга эришдилар.

Хуллас, корхонамиз коллективи XXVI съезди ўз олдига қўйган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун, дала меҳнаткашларига кўплаб қишлоқ хўжалик техникаси етказиб бериш учун барча куч ва имкониятларни ишга солмоқда. Ҳеч шубҳа йўққи, машинасозларимиз ўз зиммаларига олган мажбуриятларини сидқидилдан адо этадилар.

И. МУСИН,
СССР 50 йиллиги номли Тошкент трактор заводи директори, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати.

ҚАЛБДАН ТАШАККУР

Совхозимиз меҳнаткашлари тошкентлик ҳашарчиларни бу йил ҳам ҳар сафаргидек очиқ чеҳра ва тантана билан кутиб олдилар. Ҳали пахта теримига тушмасдан, техникани йиғим-терим мавсумига тайёрлаётган пайтимиздаёқ Тошкентнинг Ленин районида жойлашган 3-таксомотор паркининг ремонтчи-слесарлар бригадаси бизга ёрдамга етиб келди. Улар орасида Ю. Яковлев, Н. Верченко ва бошқа мутахассислар бор эди. Йиғим-терим пайласигача ўнта подбор терадиган машина, пахтани қоп-қаноросиз ташийдиган эллиқта прицеп, саккизта кўрак чувиш, ўндан ортиқ пахта териш машиналари сифатли ремонтдан чиқарилди.

Совхозимизда пахта йиғим-терими бошланди. Шунда ҳар йилгидек совхозимиз территориясига ўнта «ХПП—1,8» «зангори кема» штурвалини бошқарган шофер-механизаторлар етиб келишди. Булар Н. Верченко бошлиқ энг илғор ўттиз нафар шоферлардан тузилган механизаторлар бригадаси эди. Улар ўзларига бирга қарийб 5 минг сўмликдан кўпроқ эҳтиёт қисмлар олиб келишди, кўчма устахоналар бевосита жойларда дала шароитида машина ва механизмларни ремонтдан чиқарди. Аҳоли яшаш пунктларига прицеп-цистерна л а рда сувлар келтириб қўйилди...

Шофер-механизаторлар сафига шаҳарлик студентлар ҳам келиб қўшилишди. Улар совхоз ишчилари билан ёнма-ён туриб, кунутун баб-баравар меҳнат қилишди.

Шофер-механ и з а торлар съездлар йилида совхозимиз пахта далаларида етиштирилган «оқ олтин» ҳосилидан 1700 тонна териб беришга аҳд қилиб, йўлга чиқишган экан. Уларнинг совхоз хирмонига ўйган пахталари 1730 тоннадан ортиб кетди. Механизаторлар ўртасидаги социалистик мусобақада беш йилдан буён совхозимизда пахта йиғим-терими мавсумида кўмаклашаётган шоферлардан М. Акбаров, Б. Мирёқубов, Г. Резников, О. Уткинлар пешқадамлик қилишди.

М. МУНАСИМОВ,
Жиззах область, Октябрь районидаги Охунбобоев номли совхоз бош инженери.

ТОШКЕНТДА «ГАНГА» МАГАЗИНИ

23 ноябрь куни Тошкентда Ҳиндистон бадиий ҳунармандчилиги буюмлари сотиладиган «Ганга» фирма магазини очилди. Магазин Ўзбекистон ССР 50 йиллиги проспектида жойлашган. Унинг катта залларини безашда ўзбек ганч ўймакорлиги усталари қатнашдилар. «Ганга» Ҳиндистоннинг кўпгина фирмалари билан бевосита алоқа боғлаб туради.

Магазиннинг очилиш маросимида Ўзбекистон ССР савдо министри М. Ҳасанов, Ҳиндистоннинг СССРдаги элчихонаси элчи-министри К. П. Балакришнан сўзга чиқдилар. Ҳиндистон билан Совет Иттифоқи ўртасида мустаҳкамланиб бораётган ҳамкорликнинг муҳимлиги, бу ҳамкорлик иккала мамлакат халқларининг манфаатларига, планетага тинчликни мустаҳкамлаш манфаатларига мос бўлиб тушаётганлиги таъкидлаб ўтилди.

Магазин очилиши маросимида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Л. И. Греков, Т. Н. Осетров, И. Б. Усмонхўжаев, Н. Ж. Худойбердиев, Л. Н. Мелкумов ҳозир бўлдилар.

(ЎзТАГ).

МОСКВА АРТИСТЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Ўзбекистон пойтахтида СССР Давлат академик Большой театрининг гастролари зўр муваффақият билан ўтди. Машҳур ижодий коллектив бу ерда Шароф Рашидовнинг «Кашмир қўшиғи» асари асосида саҳналаштирилган «Ҳинд достони» балетини кўрсатди. В. И. Ленин номидаги СССР Халқлари дўстлиги сароийи — Тошкентдаги энг яхши зал гумбазлари остида композитор Улуғбек Мусаев мусиқаси янгради. Театрнинг тўртта спектаклини ўн олти мингдан кўп томошабин кўрди. Улар москвалик санъаткорларнинг кўрсатган ҳар бир томошасини зўр олқиш ва шоду-ҳуррамлик билан кутиб олдилар.

(ЎзТАГ).

телетайп лентасидан

● **ПАРИЖ.** Париж яқинидаги Аржантей деган жойда «Бутуниттифоқ «Автоэкспорт» бирлашмаси билан Франциянинг «Этаблисман Жак Фок» фирмаси СССРдан Францияга 22,5 мингта «Лада» автомашинаси, шу жумладан 2,5 мингта «Нива» автомобилларини юбориш шартномасини имзолади.

Замонавий автомобиль саноати яхши ривожланган мамлакат Францияга Совет автомашиналарини юбориш — Ватан автомобилсозлиги катта ютуқларга эришганлигининг далилидир.

Хўш бу муваффақиятнинг сабаблари нимада?

«Совет автомобиллари юқори сифатли эканлигидадир»,— деб жавоб қилди шартномани имзолаган Франция фирмасининг президенти. — Жак Фок. «Лада»нинг пишиқлиги, соқлона тузилган конструкцияси, яхши безатилганлиги французлар истеъмолчисига ёқади,—деди у. — Совет автомобиллари бир неча автомобиль пойгасида иштирок эт. ганлиги ҳам Францияда совет автомобилларининг муваффақиятга эришувига ёрдам берди.

● ТОКИО. Японияда юз ёшдан ошган 1072 киши бор. Соғлиқни сақлаш ва социал таъминот министрлиги ўтказган тадқиқот шуни кўрсатдики, бу йил уларнинг сони 104 кишига кўпаяди. Юз йиллик марродан ўзиб кетган 970 нафар узоқ умр кўрувчиларни хотинқизлар ташкил этади. эркаклар эса атиги 102 кишидир. 116 ёшли Ситгэтно Идзуми Японияда энг кекса киши ҳисобланади.

● **АЛ-ЖАЗОИР.** Жазоирда Урта ер денгизи соҳилида шаҳар типидаги посёлка қуриш тўғрисида қарор қабул қилинди. Бу посёлка зарур бўлган бутун энергияни қуёшдан оладиган бўлади. Посёлкада қуёш энергиясини электр энергиясига айлантирадиган элементлар батареялари ўрнатилади. Арзон энергиядан денгиз сувини чучук қилиш учун ҳам фойдаланилади.

АПС агентлигининг таъкидлашича, янги посёлка учун зарур бўлган барча ускуналар Жазоирнинг ўзида ишлаб чиқарилади, унга хизмат кўрсатувчи мутахассислар эса миллий олий ўқув юртларини битириб чиққан кишилардир.

● ЖАКАРТА. Фойдали қазилма конлари проблемалари комитетининг бош директори Ж. Катили бундай деди: Индонезия территориясининг 54 процентида геология карталарини тузиш тугалланди. Олинган маълумотлар мамлакат хўжалигида кенг фойдаланилади. Бу соҳада кейинги йилларда айниқса зўр ғайрат билан иш олиб борилди. Индонезия мустақилликка эришгунга қадар— 1945 йилда мамлакат территориясининг фақат 5 процентининг геология карталари бор эди, деб таъкидлади у.

● КОПЕНГАГЕН. Дания қурилиш саноатида танглик узоқ давом этмоқда. Шу йилнинг сентябрь ойида Дания Ритсаус-бюро информация агентлиги эълон қилган маълумотларга мувофиқ, бу тармоқнинг иш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 40 процент камайган. Мамлакатда шу йилнинг уч квартали мобайнидагина 450 қурилиш фирмаси хонавайрон бўлганлиги рўйхатга олинди.

Ишлаб чиқаришнинг тўхтатиб қўйилиши ва корхоналарнинг ёпилиши натижасида бу тармоқда сўнгги уч йил ичида 50 минг иш жойи бекор қилинди.

(ТАСС).

„ЎРОҚ ВА БОЛҒА“ ИТТИФОҚИ ТАНТАНАСИ

Анъанага содиқмиз

Собир Раҳимов райони меҳнаткашлари барча совет кишилари қатори КПСС XXVI съезди қарорларини амалга ошириш йўлида зўр бериб меҳнат қилмоқдалар. Партия, касаба союз, комсомол ва хўжалик ташкилотларининг диққат-эътибори ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш билан бир қаторда, қишлоққа оталиқ ёрдами кўрсатиш масаласига қаратилган.

Районимиз меҳнаткашлари бир неча йиллардан буён Сирдарё областидаги Ок олтин районига оталиқ ёрдами кўрсатиб келишяпти. Ўтган йиллар мобайнида оталикдаги колхоз ва совхозларда чорвачилик фермалари, озуқа цехи, дала шийпонлари ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда маданий-маиший хизмат кўрсатиш бинолари қуриш борасида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди.

Фақат 1981 йилнинг биринчи ярмидагина Ок олтин райони хўжаликларига 175 минг сўмлик ёрдам кўрсатилди. Кўкламги экиш кампаниясида қурилиш материаллари, қишлоқ хўжалик техникаси учун эҳтиёт қисмлар юборилди, ўн нафар пайвандчи билан 20 та кўчма устахона, эллик нафар слесарь ишлади.

Қишлоққа оталиқ ёрдами муntазам равишда, план асосида олиб борилянти. Ўн биринчи беш йиллик учун қабул қилинган комплекс планда районимиз ишлаб чиқариш коллективлари колхоз ва совхозларга кўпроқ ёрдам кўрсатишлари ўз аксини топган. Жумладан, капитал қурилиш, қишлоқ хўжалик техникаларини ремонт қилиш, ремонт технологиясини ҳамда машина ва агрегатларга техник хизмат кўрсатишни такомиллаштириш, кўплаб эҳтиёт қисмлар етказиб бериш кўзда тутилган.

Райондаги «Миконд», экскаватор ремонти тажриба-механика заводи, 3-автопарк, ирригация бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси, «Ўзгипрогаз» лойиҳа институти, В. И. Ленин номли ТошДУ ва бошқа коллективлар ишлаб чиқариш технологиясини ишлаб чиқиш ва такомиллаштириш, техник ҳужжатлар ва чизмалар тайёрлаш, модний техника базани мустаҳкамлашда алоҳида намуна кўрсатишмоқда. Корхоналарда жорий этилган фан-техника тараққиётининг янгиликлари қишлоқларда ҳам тезроқ жорий этилишини истаймиз. Бундай амалий ҳамкорлик қишлоқ хўжалик ходимлари малакасини ошириш имконини беради. Районимиз корхоналарида цехлар ва оталиққа олинган хўжаликлар ўртасида мусобақа йўлга қўйилган, бу икки томонлама мусобақага вақти-вақти билан якун ясалиб турали. Ташкилий ва тарбиявий ишлар юзасидан тажриба алмашиш бўйича мунтазам равишда семинарлар ўтказиб турилади.

Етиштирилган ҳосилни йиғиб-териш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ва озуқа тайёрлаш юзасидан бу йил катта ташкилий ишлар амалга оширилди.

Пахта йиғим-терими даврида Оқ олтин районидаги хўжаликларда 12 та техника ёрдами кўрсатилиган кўчма устахона, 10 та автомашина, 25 та пайвандчи ва ремонтчи слесарлар ишлаб турди. Корхона ва ташкилотлардан 4 мингдан ортиқ меҳнаткашлар, ТошДУнинг, техникумлар ва ҳунар-техника билим юртларининг 10 мингдан кўпроқ ўқитувчилари ва ўқувчилари пахта йиғиш-теримида фаол қатнашди. Ҳар куни район меҳнаткашлари пойтахт области пахтакорларига ҳашарга чиқишди.

Собир Раҳимовлик-лар ҳар йилгидек бу йил ҳам оталиқдаги хўжаликларга чин қалбдан, самарали ёрдам кўрсатишди, улар социалистик мусобақада ҳам намуна бўлишди.

Районимиз медицина ташкилотлари қишлоқ аҳолиси ўртасида касалликнинг олдини олиш ва даволаш борасида катта ишларни амалга оширмоқда. Шу йил сентябрь ойидан оталиқдаги районга районимиз соғлиқни сақлаш бўлимининг тажрибали медицина ходимлари ишлаб туришибди.


Районимиз маданий муассасалари ходимлари ҳам қишлоқ билан алоқани мустаҳкамлашган. Оталиқдаги колхоз ва совхозларга кўплаб бадиий ва техника китоблари етказиб берилди. В. И. Ленин номли ТошДУ, маданий-оқартув техникуми ва маданият уйларининг концерт бригадалари дала механизаторлари ҳузурида концерт қўйиб беришмоқда.


Шу билан бирга қишлоққа ёрдам кўрсатишда ҳали камчиликлар мавжуд.

Район партия комитети оталиқ ёрдами кўрсатишда йўл қўйилган камчиликларни бартараф этишнинг қатъий тадбирларини белгилайди.

Партия ташкилотларининг диққат-эътиборлари ҳозирги кунда КПСС XXVI съезди томонидан белгилаб берилган вазифаларнинг сўзсиз бажарилишига қаратилгандир. Ҳозирги пайтда корхоналарда ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи йилида ҳам мўл-кўл ҳосил етиштириш учун курашга ҳар бир кишини мусобиқасига сафарбар этувчи муҳит яратилмоқда.

З. АБДУРАҲИМОВ,
Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари.





1981 йилнинг пахтасидан ҳосил қилинган ғарамлар худди оппоқ қор билан қопланган тоғлардек бўлиб турибди. Бу сурат Тошкент область Ғалаба районининг «Беш йиллик» совхози тайёрлов пунктида олинган. Совхоз деҳқонлари беш йилликнинг биринчи йили планини муддатидан аввал бажарганлиги ҳақида биринчилардан бўлиб рапорт бердилар.

«Беш йиллик — уч ярим йилда!» — «Ўзбексельмаш» заводи экспериментал цехининг И. Худойберганов бошлиқ йигувчилари СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги шарафига ана шундай шиор остида меҳнат қилишяпти. Машинасозлар йилнинг ўн ойи мобайнида мамлакат механизаторларига 7.553 сеялка етказиб бердилар.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) М. Муҳаммадгалиев, Л. Абдураҳмонова, М. Фозилова ва Р. Кареева.

Пахтачилик саноати марказий илмий-тадқиқот институти коллективининг республика пахта тозалаш корхоналари техникасини такомиллаштиришдаги ҳиссаси салмоқли.

СУРАТДА: (чапдан-ўнгга) лаборатория мудири В. Никитин ва кичик илмий ходим А. Черепанов янгича толали пахтани тақсимлайдиган мосламани ёнида.

М. Нуриддинов ва А. Абалян фотолари.





● ҚИШЛОҚҚА САМАРАЛИ ЁРДАМ

Самолётсозлар улуши

Самолётсозлар Жиззах область Пахтакор районидаги 28-«Самарқанд» совхозига оталиқ қилишади. Бу йил хўжаликка техникани пахта йиғимтерими мавсумига тайёрлашда салмоқли ёрдам кўрсатилди. Уч ой мобайнида совхозда автотранспортчилар, пайвандчилар, слесарларнинг катта группаси ишлади. Бу ерда кўчма устахона, бензовоз, пайвандлаш агрегат-генератори хизмат қилди.

Совхоз раҳбарлари таъкидлашича, ёрдам салмоқли бўлди: хўжалик 1981 йил учун белгиланган пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари бажарди.

Бирлашманинг бош заводи меҳнаткашлари бошқа қишлоқ хўжалик ишларида ҳам иштирок этишди. 1,5 ой мобайнида заводнинг 20 ишчи ва хизматчиси Бўстонлиқ районидаги Қозоғистон 30 йиллиги номли колхозда пичан ўримида қатнашди. Бундан ташқари ёрдамчи хўжалик учун 300 тонна пичан тайёрланди.

Чкаловликлар Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Советининг Ўзбекистон механизаторларига Мурожаатини актив қўллаб-қувватладилар. 400 самолётсоз бир ярим ой мобайнида Бекобод районидаги «Ленинград» совхозида, 160 киши Жиззах область Зарбдор районидаги 5-совхозда пахта терди.

Корхона комсомол комитети йигирма ВЛКСМ аъзосидан иборат зарбдор комсомол отрядини Сирдарё область Боёвут районидаги Пушкин номли совхозга пахта йиғим-теримида иштирок этиш учун юборди.

Бундан ташқари октябрь—ноябрь ойларида ҳар куни 100 киши, дам олиш ва байрам кунлари эса 350 нафарга яқин ишчи ва хизматчи, инженер-техник ходим Тошкент области районлари пахтазорларига чиқиб, пахта теришди.

Натижада самолётсозлар хирмонга 250 тонна «оқ олтин» тўкдилар.

Х. ХОШИМОВ,
В. П. Чкалов номли Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси бош директорининг ўринбосари.

МУЖДА

Қувонч ҳисларини дилга жо этиб,
Таралди ўлкада янги хуш хабар:
Улуғ юрт тўйига зўр совға этиб,
Пахтакор ўзбегим қучибди зафар!
Эгатлар мавжида гаввосдай сузиб,
Ҳосил денгизидан жавоҳир олди.
Ахдига вафодор ижодкор халқим,
Юксак марраларни эгаллаб қолди.
Раҳнамо даъватдан файз ва завқ олиб
Зафар номасига чекибди имзо.
Ингичка толали мисрий пахтамиз.
Сирдарё мавжидан топибди жило.
Зафарлар муборак — бобо деҳқонлар,
Турсуной мисоли илғорлар, қизлар,
Ҳашарга чиққанлар, марди майдонлар,
Хирмонга барака қўшгансиз сизлар!
Субҳидам салқинда кўсаклар кулиб,
Шу улкан зафарга чорлагани рост.
Олтин водийларда барқ уриб чаноқ,
Хандон чеҳралардай порлагани, рост.
Пешона теридан уйилган хирмон,
Толаси гавҳардай, ўзи дурдона.
Мўл ҳосил базмида юзимиз ёруғ
Ҳимматинг мадх айлаб янграр тарона.

Ҳ. ҲОМИДИЙ.

Пахта — ноёб экин

Оппоқ пахта чаноғи. У гоят енгил, гози йўқ нарса. Беш бўлакдан иборат. Кафтингда қиссанг, йўқ бўлиб кетади. Аслида эса ундан қанчадан-қанча нарсалар тайёрлаш мумкин. Бу чиғанам ноёб экин бўлган пахтадир.

Худди шунинг учун ҳам халқда унга юксак баҳо бериб, «оқ олтин» дейишади. Чунки у олтиндек қимматли ва қадрлидир. Бу табиатнинг ўзи яратган бебаҳо бойликдир. Ундан нималар ишлаб чиқарилмайди, дейсиз!

Энг оммалашгани ва ҳаммага маълум бўлгани бу ип-газлама, чит, штапель, сатин, трикотаж, сунъий шойи кабилардир. Бу газламаларга аҳоли ўртасида эҳтиёж кўп. Ип-газлама буюмлари шу қадар оммалашган ва уларга шу қадар талаб зўрки, натижада баъзан етишмай ҳам қолади. Бундай пайтда нима қилиш керак? Ҳозир саноатда турли хил сунъий толалар ишлаб чиқариш ривожланмоқда. Лекин уларнинг ҳеч бири пахта билан рақобат қилолмайди. Шунинг учун ҳам сунъий газламани табийисига яқинлаштириш учун унга пахта аралаштирилади. Бу буюмга ажойиб фазилат бахш этади.

Пахта чиғити-чи? Битмас-туганмас бойликдир. Ундан гидроскопик пахта, ацетат толаси, целлюлоза ва бошқа нарсалар ишлаб чиқарилади. Кинопленкалар, пластмассалар, нитролаклар, қоғознинг энг сифатли навлари, сунъий чарм, изоляцион материаллар халқ хўжалигида ғоят зарурдир. Бу материаллар ҳам пахта чиғитидан олинади.

Энди чигит магазини олайлик. Бу ҳам бутун бир хазина: ундан ёғ ва глицерин, стеарин ва алиф, фитин ва ҳатто, Е витамини олинади.

Бу экиннинг ҳамма маҳсулоти қимматли, ҳаммаси иш беради. Ҳатто, чиғит пўстлоғи ҳам беҳуда кетмайди. Ундан спирт, глюкоза, фурфурол, турли хил омухта ем ва оқсил моддалари олинади.

Ғўзанояси ҳам фойдали. Сергелида ғўзаноядан прессланган плиталар ишлаб чиқарувчи завод бор. Ғўзапоядан бундан ташқари спирт, сирка, картон, қоғоз олинади. Ундан ёқилғи сифатида фойдаланса бўлади.

Ғўза барглари-чи? У ҳам катта халқ хўжалиги аҳамиятига эга. Ғўза барглиридан лимон кислотаси, госсипол каби қимматли буюмлар ва дори-дармонлар олинадиган бўлди.

...Озиқ-овқат магазинлари жавонларидаги пахта ёғлари энг қимматли маҳсулотдир. Бу ёғсиз ҳозир ҳеч бир хонадонда овқат бўлмайди. Усиз ўзбек паловини ҳам, бошқа миллий таомларни ҳам тасаввур этиш қийин.

...Оппоқ пахта чаноғи. Табиат унга қандай саховат қилган-а!

ГАЗЛАМА ОҚИМИ

РЕПОРТАЖ

...Тошкент тўқимачилик комбинатининг марказий пахта омборида телефон жиринглади:

— Маъфура опа, янги пахта ҳосилини қабул қилиб олинг! Вагонлар омбор дарвозаси ёнига олиб бориб қўйилди.

Ҳар куни Тошкент тўқимачилик комбинати пёхаларида 50 тоннадан ортиқ пахта ҳосили оппоқ калавага айлантирилади. Кейин у газлама ишлаб чиқариш учун юборилади.

...Корхонанинг сариқ хизобонида автокарлар ва погрузчиклар бетиним қатнаб, пресслангаи ҳосилни учта йиғирув фабрикасининг саралаш-савлаш пёхаларига олиб боради. Бу ерда толи биринчи ишловдан чиқарилади.

Масалан, 2-йиғирув фабрикасида энг яхши таровчилар бригадасига Н. Назарова бошчилик қилади. Саваш цехидан келаётган маҳсулотни таровчилар тезковлик билан қабул қилиб олишяпти. «Яхшилаб тараламаса, яхши йиғирилмайди», — дейди тўқимачилар. — Бу гап мураккаб жараённинг аҳамиятини яхши ифодалаб турибди.

Ҳа, пахта толаси йиғирилгунга, нигта ва газламага айлангунга қадар катта йўлни босиб ўтади. Тарозичилар эстафетасини лентачилар ва ростловчилар қабул қилиб олишади. 3-фабрикада, масалан, бу касблар бўйинча Ф. Гизатуллина ва М. Маминова маҳоратли саналишади.

Маҳсулот технологик занжир бўйича бетиним ҳаракат қилади. Йиғирув цехидан калава тўқув заводига ўтади. 1-фабрикала эстафетани Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Л. Казанцева, унинг дугоналари В. Солдатова, Н. Ершова каби тажрибали тўқувчилар қабул қилиб олишади. Буларнинг ҳаммаси типовой нормадагидан икки баравар юқори зичликда ишлаяпти.

Фабрика тўқувчилари ишлаб чиқарган хом сурп товар бракаж цехларида атрофлича кўздан кечирилгандан кейин пардозлаш цехига ўтказилади. Сўнгра газлама охорлаш цехига ўтказилади, пухта қайта ишланган кейин эса, гул босиш цехига юборилади.

Гуллар эса бадиий устахонада тайёрланади. Бу устахона коллективи йилига 120 хил нусха гул тайёрлайди.

Газламаларнинг сайёҳати пардозлаш фабрикасида тугайди. Бу ерда меҳнат ветеранлари О. Шапошникова ва М. Сафаргалиев бошлиқ бригадалар буюмга киришмаслик, майинлик, бўёқларнинг ўчмаслиги кабилар ни текширувдан ўтказишади. Сўнгра газлама охорлаш цехига ўтказилади, пухта қайта ишланган кейин эса, гул босиш цехига юборилади.

...Турли хил газламалар сифат назоратчилари олдидан дарё бўлиб оқади. Синчков кизлар бу газламалардаги нуқсонларни дарҳол пайкаб олишади. Тошкент тўқимачилик комбинати маркаси кўйилган маҳсулотлар аъло сифатда бўлишига ҳаракат қилишади.

А. ГЕХТЛЯР.

ЧУЛҚУВАРНИ МАМНУН ЭТИБ

Галлазорларда комбайнлар жавлон уриб, автомобиллар дон ташиган кунга ҳам мана бир ойдан ошди. Жиззах чўллари қудратли техниканинг шовқин-сурони билан тўлган эди... Ана шу аниқ манзара ҳамон кишини кўз ўнгидан кетмайди...

«Дон пишди!» — ана шу сўзни эшитиш билан Галлаорол ва Бахмал районларига автоколоннамизнинг 50 та машинаси жўнаб кетди. Уларни энг тажрибали шоферлар бошқаришди.

Автомобилчиларимиз эрта тонгдан то шомгача чарчашни билмай етиштирилган галлани тайёрлов пунктларига ташиб бердилар.

Бундан ташқари автоколоннамиз транспортчилари мазкур районларнинг колхоз ва совхозларига қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилишда яқиндан ёрдам кўрсатдилар. Автомобилларнинг ремонти учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларни етказиб бердилар.

Айниқса, транспортчилар пахтакорларга яқиндан ёрдам кўрсатдилар. Пигирмадан ортиқ кўчма устахона Жиззах области далаларида ишлаб турди. Мутахассислар «зангори кема»ларни бир йўла далаларда ремонт қилдилар, ҳашарчиларга озиқ-овқат маҳсулотларини етказиб бердилар.

Яқинда Арнасой районининг Г. Жуков номли совхози маъмуриятидан 2521-автоколонна адресига мактуб келди. Унда шоферларимиз Б. Саъдиев ва Р. Абдуллаевларга транспортнинг ремонтида зарур бўлган эҳтиёт қисмларни ўз вақтида етказиб берганликлари, халқ хўжалик юкларини ташишда дала механизаторларига яқиндан ёрдам берганликлари учун кизғин миннатдорчилик билдирилган эди.

В. ТИТОВ,
2521-автоколонна инженер-техник лар ининг катта инженери.

ҚЎЛЛАРИНГИЗ ДАРД КЎРМАСИН

Олтин куз саховатли келди. Она-Ер бағрида яратилган мўл-кўл «оқ олтин» ҳосилини йиғиштириб олишда табиат ҳам ўз тантилигини кўрсатди. Минг-минглаб ҳамшаҳарларимиз қатори бизнинг заводимиз коллективидан юзлаб ҳашаршилар пахтазорга отландилар.

«Оқ олтин» терими даврида заводимиз директори Зоҳиджон Собиров раҳбарлигида ишчилар, заводимиз инженер-техник лар и Тошкент областининг Оққўрғон районидаги «Ленинобод» колхозида мунтазам равишда бўлиб, катта ҳашар ўтказдилар.

Оққўрғондаги колхозларда йиғим-теримда қатнашган заводимиз инженер-техник лар и худди заводдагидек доим пешқадамлик кўрсатиб, социалистик мусобақаларда ғолиб чиқдилар, улар район ва колхоз раҳбарларининг мақтовига, ҳурматига сазовор бўлдилар.

Теримда айниқса пластикаст, полиэтилен ва механика цехининг инженер-техник л а р и, ишчи ва хизматчилари алоҳида намуна кўрсатдилар.

Пахта йиғим-терими мавсумида механикларимиз механизаторларга ёрдамга отланишди. Бир неча инженер-механикларимиз Жиззах области пахтазорларида машина-агрегатларни тез ва сифатли ремонт қилиб бердилар.

Шуни ҳам қувонч билан айтиш керакки, пахтазор майдонида жавлон ураётган ҳамкасбларимизнинг йўқлигини билдирмай, заводда қолган инженер-техник лар улар ўрнига ишлаб, завод планини бажариб турдилар. Тошкент Пластмасса ва химия маҳсулотлари заводи ўзининг сифатли маҳсулотлари билан эл мактовига сазовор бўлганидек, «оқ олтин» теримида ҳам ўз меҳнат жасорати билан ўзини кўрсатди.

О. КАРИМОВА,
Тошкентдаги пластмасса ва химия маҳсулотлари заводининг инженер-технологи.

ФАН ЮТУҚЛАРИ — ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

Ҳосилдорликни ошириш йўлида

Партия ва ҳукуматимиз қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, айниқса бутун мамлакат аҳолиси учун энг зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда.

Шу муносабат билан пахтачиликни ривожлантириш биринчи даражали аҳамиятни касб этади. Ўн биринчи беш йилликда республикамиз бутун мамлакатда етиштирилган пахтанинг учдан икки қисмини тайёрлаши керак.

Пахтачиликни янада ривожлантиришда қишлоқ хўжалик ва биология фанларининг роли жуда каттадир. Ўзбек олимлари ўз изланишлари билан далаларда пахта ҳосилдорлигини оширишга катта ҳисса қўшиб келмоқдалар. Институтларда яратилган пахтанинг АН—402, АН — Ўзбекистон — 3, АН — Самарқанд — 2, Самарқанд — 3, Чимбой — 160, Қизил-ровот, Тошкент — 6, «Оқ олтин», Термиз — 7, Октябрь — 60, Андижон — 2, АН — Боёвут — 2 ва бошқа навлари ишлаб чиқаришда муваффақиятли синовдан ўтди. Бу навлар районлаштириш бўйича 353 минг гектар майдонга экилмоқда. Улар толасининг технологик сифати юқорилиги ва саноат талабларига жавоб бериши билан ажралиб туради. Пахтанинг табиий шароитда ривожланиб сентябрь ойининг учинчи декадасида 60—70 процент баргини тўкадиган хусусиятига эга бўлган янги навининг яратилиши олимлар нинг катта ҳизматидир. Бу ҳаракатларни камайтириш кейинчалик зарарли дефолиантлардан фойдаланишдан воз кечишга шароит яратади.

«Листоп а д и — 1», Октябрь — 60 навларини ана шулар қаторига қўшиш мумкин. Олимлар янги кўп ҳосилли навларни яратиш масаласини ҳал қилиш билан бирга чигитга хлорелла суспензияси билан ишлов бериш маҳаллий ўғитлардан унумли фойланиш, жавоҳир кислотаси ва микроэлемент-лар билан ишлов бериш орқали чигитнинг мойлилигини оширишга ҳам катта эътибор бермоқдалар.

Ўзлаштирилган ерларнинг ишлаб чиқариш қобилиятини синовдан ўтказиш системаси муваффақиятли олиб борилмоқда. Бунинг моҳияти пахта экиладиган районлардаги майдонларни 25-30 сантиметр чуқурликда ҳайдашдан иборат. Олинган натижалар шуни исботламоқдаки, икки-уч мавсумда пахта-беда алмашиб экишни қўллаш юқори ҳосил олишга катта ёрдам беради. Деҳқончиликнинг бу системасп биринчи мавсумда ёк ҳар гектар ердан олинадиган пахта ҳосилдорлигини 50 центнерга етказиш мумкинлигини кўрсатди. Бу система бир вақтнинг ўзида майдонлардан олинадиган озуқа 40-50 процентга кўпайишини таъминламоқда. Қишлоқ хўжалик зараркунандалари, ҳашоратга қарши ишлатиладиган янги биологик методни тошида олим ва энтомологларнинг хизматлари катта бўлди. Шунингдек кемирувчи ва сўрувчи зараркунандаларга қарши ишлатиладиган янги препарат — этафосдан фойдаланила бошлади.

Пахта ҳосилдорлигини оширишга тупроқшунослар ва химиклар ҳам ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшмоқдалар. Улар томонидан каттиқ ва суюқ, шунингдек ўзида микроэлементларни ўзгунлаштирган янги ўғит яратилди. Кейинги йилларда агрохимия ва картограмма асосида ишлов бериш туфайли составида мис, рух ва бошқа микроэлементлар бўлган янги ўғитни ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Жониворлар ва атроф муҳит учун мутлақо зарарсиз бўлган УДМ дефолианти яратилишини ҳам пахтачиликни ривожлантириш соҳасида қилинган энг яхши ишлар қаторига қўшиш мумкин. Бу препарат бутифос препаратининг ўрнига қўлланмоқда. УДМ препаратидан бу йил 600 минг гектар майдонда дефолиант сифатида фойдаланилди.

Темир-бетон лотокларидан қўлланиш системаси суғоришда қўл келмоқда. Бу усул ирригатор ва механиклар томонидан яратилди. Шунингдек, суғоришда сувни автоматик усулда бошқариш, ер ости сувларидан, тик ва ётиқ дренажлардан фойдаланишга аҳамият бериляпти. Бу усул ҳайдаладиган ерларни шўрлачишдан сақлашда ёрдам бермоқда. Деҳқонлар учун энг катта муаммо бўлган сув танқислигини бартараф этишда қўл келяпти. Шунинг учун ҳам ҳозир Сибирдаги дарёларнинг ирмоқларини Ўрта Осиё ва Козоғистонга буриш планини амалга оширишга жуда катта аҳамият берилмоқда.

Республиканинг пахтазорларида янги ишлаб чиқарилган пахта териш машиналари ишламоқда. Улар олим-механиклар томонидан яратилган бўлиб, машинанинг ишлаб чиқариш унумдорлигини анча оширишга ёрдам беради. Қисқа қилиб айтганда жуда кўп ишлар амалга оширилди. Лекин олимлар эришилган натижалар билан чегараланиб қолганлари йўқ. Улар пахта ҳосилдорлигини ва пахта сифатини яхшилаш перспектив плани устида тинмай изланиш олиб бормоқдалар. Турли касалликларга ва ҳашаротларга комплекс бардош берадиган ингичка ва ўрта толали пахта навларини яратишади. Улар замонавий саноат талабларига тўла жавоб беради. Айни пайтда уларни тўла механизмлар ёрдамида йиғиб олиш мумкин бўлади, чигитнинг мойлилик даражаси ошади. Ҳозир мавжуд бўлган пахта териш машиналари қисмларини такомиллаштириш туфайли янги машиналар яратилади. Чигитга ишлов бериш усулларини ўзгартирилади. Бу чигитининг тез униб чиқишига ёрдам бериш билан бирга ҳосилдорликни оширади.

Бутунги кунда республикамиздаги ҳар бир киши пахтакордир. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг республика коммунистлари ва комсомоллари, колхозчилари, ишчилари, механизаторларига, қишлоқ хўжалиги раҳбарлари ва мутахассисларига, барча меҳнаткашларига Мурожаатидан руҳланган республика олимлари пахтакорлар билан ёнма-ён бўлишди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг барча муассасаларида ташкил этилган бригада коллективлари Тошкент, Жиззах ва Сирдарё областларида етиштирилган мўл ҳосилни йиғиб-териб олишда фаол қатнашдилар. 30 октябрда эса Ўзбекистон ССР Фанлар академияси президиумининг ҳодимлари худди бир кишидек «Политотдел» колхозига ҳашарга боришди. Улар 1050 килограмм пахта тердилар. Буни ўзига ҳос томчи деб баҳолаш ҳам мумкин. Лекин дарёлар томчилардан пайдо бўлишини ҳисобга оладиган бўлсак, умумий ишда олимларнинг ҳам ўзига ҳос ҳиссалари борлигини билиб оламиз. Қисқа қилиб айтганда, улар умумий ишга ўз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар.

А. МУТАЛОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси биология фанлари бўлимининг илмий секретари, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати.

• КОИНОТ СИРЛАРИ

ОЙ—ГЎЗАЛЛИК ТИМСОЛИ

Само маликаси — Ойнинг гўзалликда таърифи йўқ. Уни ёзувчилар-у шоирлар гўзаллик тимсоли деб мадҳ этганлар. Сайёрамизнинг тунги ёритқичи ҳам, энг яқин йўлдоши ҳам Ой.

Ер марказидан Ой марказигача минимал узоқлиги 356 400 километр, максимал узоқлиги 406800 километр, ўртача узоқлиги 384400 километр. Қуёш Ойни Ерга нисбатан 2,2 марта катта куч билан тортади. Шунинг учун Ой ҳаракатини ўрганишда, асосан Ойнинг Қуёш атрофида айланишини текшириб, Ернинг тортиш кучи таъсирида Ой чекинишларини тадқиқ қилиш кифоя.

Ой ҳамма вақт Ерга бир томон билан «қараб» туради. Даврларнинг бундай бир хил бўлиши тасодифий эмас. Ернинг тортиш кучи Ойнинг айланишига таъсир кўрсатади. Аммо Ой ўз ўқи атрофида текис айланган билан эклиптик орбитанинг турли нуқталарида унинг ҳаракат тезлиги турлича бўлади, натижада Ердан Ой бир оз тебраниб ҳаракатлангандай кўринади.

Ой шакли радиуси 1737 километрли шарга яқин. Ой сиртидаги нуқталарнинг радиусини Ердан туриб ўлчаш деярли мумкин эмас. Ойнинг Қутб ўқи Ерга йўналган экваториал ўқдан 700 метр, Ер йўналишига перпендикуляр йўналишдаги экваториал ўқдан эса 400 метр кичик. Шундай қилиб Ернинг тортиш кучи таъсирида Ой чекинишларини тадқиқ қилиш кифоя.

Бугунги ўзбек санъаткори ижод қилишдан аввал елкасида қандай катта масъулият борлигини ҳис қилиб, ўйлаб ишга киришишга ҳаққи бор. Бугунги ушбу тараққий этган замонамизда мусаввирларнинг мўйқаламлари аср тезликлари билан ҳамнафас илдамлаб бормоқда.

Ўймакорнинг искана-чи?

Ёғоч ўймакорлиги санъати ўша қадим боболаримиз ер ҳайдашни ўрганган кундан бошлаб бор санъат. Самарқанд, Бухоро, Хоразм мадрасаларининг нақшинкор эшик, дарвозалари қошида ҳайратланмай туриб бўлмайди. Бу нақшларда боболаримизнинг орзу ва армонлари мужассам.

Ботир Ганиев боболардан қолган ана шу санъатга қайта жон ато этишга, унга қайта умр бағишлашга журъат қила олган ёш ўзбек ўймакорларидан. Унинг таржимаи ҳоли унча катта эмас: Островский номидаги Тошкент театр-рассомчилик институти. Беньков номидаги республика бадиий билим юрти. Ҳозирги иш жойи: Халқ амалий санъати устаси бирлашмаси...

Институтда у ўзининг изланувчанлиги, янгилик яратишга интилиши, оригиналликка интилиши билан тенгдошлари ва устозларининг ҳурматини қозонди. Рангли керамика жанрида яратган «Ҳаёт навоси» номли дипломи ишни ҳаммага манзур бўлиб, «аълога» баҳоланди. Бу наво катта ҳаёт навосининг биринчи майингина саси эди ҳолос. У бу навоининг давомини, фусункор жарангларини топиш учун астойдил изланишга киришди. Шарқ ўймакорлиги мактабининг қадим намуналарини ўрганиб чиқди, билим юртида севимли, қамтар устози, билимдон ва очиққўнгил Ортиқ Файзуллаевдан ёғоч ўймакорлигининг нозик сирларини ўрганди. У яратган ишлар устозига ҳам манзур бўлди. Айниқса, ўймакорликнинг қўп меҳнат талаб қиладиган ислимий (ўсимлик нусха) усулида яратган ишларида унинг истеъдоди юз кўрсатган эди.

— Ботир жуда ҳам хайрли иш билан шуғулланмоқда, — дейди унинг тенгдоши, истеъдодли ёш рассом О. Бобожонов. — Ўймакорлик санъатида халқ тантанаворлигининг қудрати, тилсиз бир тарих бор. Ботир ҳаётда ҳамма нарсадан ҳайратланадиган йигит. Ўзи сокин, иши ҳам сокинликни талаб қилади. Ўймакорлик санъатида ижодкорнинг иродаси собит, қалби тоза бўлмаса у хеч нарсага эришолмайди. Ботирнинг қалби соф, у яратаётган ишлар мени қувонтиради.

Дарҳақиқат, Б. Ганиевнинг ишларида ҳамкасблари ишларидан фарқ қилиб турадиган қандайдир янги бир жозиба бор. У ўймакорликда тадбиқ этаётган монументаллик ҳам шундан далолат беради. Унинг ишлари Ленинград шаҳрида Москва Олимпиадасига бағишланган Ўзбекистон ҳалқ амалий санъати кўргазмасида, Эстония ССРнинг Таллин, Тарту шаҳарларида бўлган кўргазмаларда, Тошкентдаги «Биз коммунизм қурамиз», «Ўзбекистон гиламлари ва сўзаналари» кўргазмалари ҳамда Тожикистон ССРнинг пойтахти Душанба шаҳрида ўзбекистон ССР адабиёти ва санъати кунлари муносабати билан очилган кўргазмаларда намойиш қилиниб, санъат шайдоларининг эътиборига сазовар бўлди.

Айни пайтда Ботир янги асарлар устида сабот билан иш олиб бормоқда. Нақшлари, композицияси оригинал «Тарих саҳифаси» номли ишини тугаллаш арафасида турибди.

Ёш ўймакор яна бир эзгу мақсадни дилига тугиб қўйган. XVIII асрга келиб тўхтаб қолган миниатюрачилик санъатини ёғоч ўймакорлиги билан уйғунлаштириб олиб бориш устида изланмоқда.

— Бу жуда катта заҳмат талаб қиладиган иш, — дейди Ботирнинг ўзи. — Ҳар қалай изланиш керак, меҳнатдан чўчимаслик керак. Ҳар қандай муваффақият эса тинимсиз изланиш, катта меҳнат натижасидагина қўлга киритилади.

Ботир ўзининг ижодини ҳаёт навоси билан бошлади. Бу навоининг тинмаслигини, давом этаверишини унинг устози ҳам, дўстлари ҳам чин дилдан истайдилар.

С. САИДОВ.

СУРАТЛАРДА: Б. Ганиев иш устида; у ясаган нақшли курси.



САНЪАТНИНГ СЕҲРЛИ ОЛАМИ



ҲАЁТ НАВОСИ



Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмасида очилган «Чиқинди ва маҳаллий хом ашёдан самарали фойдаланиш» тематик кўргазмаси экспонатларининг ниҳоятда кўплиги ва ранг-баранглиги билан томошабинларда катта қизиқиш уйғотмоқда. Кўргазмадан республикамиз корхоналарида чиқиндилардан тайёрланаётган маҳсулотлар кенг ўрин олган.

СУРАТДА: Андижон керамика заводида тайёрланаётган кенг истеъмол буюмлари стенди олдида.

Х. Мирзакаримов фотоси.

ЎЗБЕК ТИЛИДА

«Ўзбекистон» нашриёти ўртоқ Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумида сўзлаган нутқини ўзбек тилида китобча қилиб чиқарди. Китобчада Пленумнинг «1981 — 1985 йилларда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат плани, 1982 йилда СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг Давлат плани ҳамда СССРнинг 1982 йилги Давлат бюджети лойиҳалари тўғрисидаги қарори ҳам эълон қилинган. Китобча кўп нусхада босиб чиқарилган.

(ЎзТАГ).

ҚОРАҚУМ ПОЛИЗЛАРИНИНГ ТУҲФАСИ

Туркманистон полизларида кузги йиғим-терим якунланди. Ҳосил деҳқонларни қувонтирди: тарвуз ва қовунлар режалаштирилгани д а н кўпроқ териб олинди. Уларнинг бир қисми Сибирга, Урал ва Узоқ Шарққа юборилди.

Қорақум канали зонасидаги кўриқ ерни ўзлаштириш полизчиликни ривожлантиришга ёрдам берди, деб таъкидлайди ТАСС мухбири. 21 минг гектардан зиёд майдонда полиз барпо этилди. Бу эса чўлга Амударё суви келтирилгунгача даврдагидан икки баравар кўпдир.

Полизчилик тажриба станциясининг олимлари машҳур «Гулоби» ва «Вахарман» қовунларининг таъм сифатини яхшиладилар, қадимги «Амири» навини тикладилар, полизларда ишлаш учун мўлжалланган механизмлар туркумини лойиҳаладилар.

Ўн биринчи беш йилликда республиканинг яна олтита районида полиз маҳсулотлари етиштиришга ихтисослаштирилган хўжаликлар ташкил этилади.

Насиба комбинатдан чиқиб, ётоғига қандай қилиб етиб борганини билмайди. Кела ўзини каравотига ташлади. Узун кун тик турганига оёқлари зирқирар, узилган ипларни улайверганидан бармоқлари мажолсиз бўлиб қолгандек эди. Момиқларни олиб ташлашга энгашаверганидан елкалари, билаклари, бели қақшаб оғрир эди. Қисқаси, калтаклаб ташлангандай сезди ўзини. Оғриқ, зарб ва яшн юришмаётган аламидан кўзларида ёш айланди. «Йўқ, — деди у, ўз кўнглида, — мен бу ерда ишлай олмас эканман. Кетмасам бўлмайдиганга ўхшайди. Ўлиб қоламан бунақада». Шу дақиқада қарори қатъийдек эди... Бироқ пича дам олгач, чарчоғи тарқаб, ўзига келди. У хозиргина кўнглидан кечирганларини қайтадан ўйлаб кўрди. Ширинхон опаси айтганидек, кетиш — осон йўли... Ҳамма ишлаяпти-ку. Бошқалар ҳам унга ўхшаган одам-ку. Ҳеч ким ҳеч нарса бўлиб қолаётгани йўқ. Комбинатда ишлаб, эътибор қозонган илғор тўқувчилар оз эмас. Насиба эса, улар билан бирга ёнма-ён ишлайди. «Кетаманлаб, тушкунликка тушгандан кўра, ўшаларга эргашмайманми?» — деган хулосага келди у...

Насиба зарбдорларнинг ишни қай йўсин уюштиришганини кузатди. Ип уланган бармоқлари чирпирак бўлиб кетаётгандек, азбарони тезлигидан улаш жараёнини илғаб бўлмасди...

Мана у станоги тепасида. Ипни тезроқ улашга, станокнинг тўхташига йўл қўймасликка ҳаракат қилди; илгагини тезда ишга солиб, ипни зудлик билан улашга уринди... Лекин тўқилган матони кўрса, тугунлари қўпол, ипнинг учлари узун-узун бўлиб, осилиб ётарди. Шошганидан ипнинг учларини қирқиб ташлаш эсига ҳам келмабди... Демак, маҳсулоти брак бўлди, деган гап бу. Тўқувчи учун шундан оғир ҳолат бўлмайди. Насибанинг кўзлари намланди ҳатто... Энди у бу ҳолга йўл қўймаслиги керак. У ипни ихчамроқ тугиб, ортиқчасини ўша заҳоти қирқиб ташлай бошлади.

Насиба тўқувчининг ишини орқага сурадиган, вақтини ўғирлайдиган нарсалардан бири ип улаш жараёни эканига амин бўлди. «Иш юришиши учун аввало ип улаш тезлигини ошириш керак!» — деб вазифа қўйди у ўз олдига. Кеча-кундуз ип улашни машқ қила бошлади. Юрганида ҳам, ўтирганида ҳам иплар учини бир-бирининг устига қўйиб, ўнг қўлидагисини чап қўлининг бош бармоғи устидан ўраб, оҳиста тортади... Унинг тинимсиз машқига бармоқлари чидамас, оғрир, ҳатто бош бармоғи билан кўрсаткич бармоғи увишиб қоларди. Бармоқлар тинимсиз ҳаракат қилавергач, билаклари ҳам оғирлашар, зилдек бўлиб туюларди. Насиба бир озгина дам олиб, машқларини яна давом эттирарди. У аввалари ипни қараб уласа, энди қарамасдан улашни ҳам ўрганди. Машқлар натижасиз қолмади. Бармоқлари аввалгидан эпчилроқ ҳаракат қилаётгани ўзигаёқ билинди. Бу нарса айниқса иш жараёнида самарасини кўрсатди. Энди унинг станоклари узоқ тўхтаб турмайди. Станокнинг тўхтамаганини бу тўқувчининг қадди тик бўлгани. Энди у иккита станогини ортиқча ўринмасдан, қора терга тушмасдан бемалол бошқаради. Маҳсулотлари ҳам бенуқсон. Меҳнатга кўникиб, чиниқди. Энди ишдан кейин унча лоҳас бўлмайди. Иши тугаб, душга тушиб чиққани-

(ҚИССАДАН ПАРЧА)

Ёзувчи Марва Жалолиддинова янги қиссасини ишчи-ёшлар мавзуига бағишлаган. «Парвоз» деб номланган бу қиссада тўқувчи қизларнинг ҳаёти, меҳнати, муҳаббати акс эттирилади.

Қисса «Ёш гвардия» нашриётида чоп этиляпти. Қуйида мазкур қиссадан парчани эътиборингизга ҳавола қиламиз.

дан кейинок чарчоғи тарқайди. Ишидан кўнгли тўқ бўлганидан фабрикага хурсанд бўлиб келиб, мамнун бўлиб кетади...

Насибанинг ишини кўриб, Ширинхоннинг боши осмонга етди. У тўқиётган матонинг сифатини кўздан кечирди-да, станок тепасида сергак турган Насибанинг елкасига қоқиб қўйди.

— Офарин! — деди бош бармоғини ҳавога нуқиб. — Энди дастгоҳингни кўпайтирамиз!

— Уддалай олармикинман? — деди Насиба иккиланиб.

— Кўз кўрқоқ, қўл ботир дейди, — чўрт кесиб гапирди Ширинхон,— иккитасини уддаладингми, тўрттасини ҳам бемалол уддалайсан... Энди бундан бу-ён кўпайтираверамиз.

Эртасига Насиба тўртта станокни бошқарди... Битта-биттадан юргизиб қўйиб, матонинг тўқилишини синчиклаб назорат қилди. Воажаб! Қийналмади, саросимага ҳам тушмади.

— Қалай, шошиб қолмаяпсанми? — жилмайиб сўради Ширинхон.

— Йўқ.

— Яна оширайликми?

— Майли.

Шундай қилиб, Насибанинг станоклари орта борди. Мана у саккизта станокни бошқаряпти. Шунча станокни юргизишга журъати етганига ўзи ҳайрон. Қувончини қимгадир айтиси, ҳайқиргиси келарди. Бироқ, ҳали севинишга жуда эрта эканига ақли етарди. Насиба шодлигидан сакрагиси келарди-ю, лекин «Ўпканги бос, атрофингдагиларга қара, сеникига 5— 6 баробар кўпроқ станок юргизиб, бирортаси ҳам ховлиқиб кетаётгани йўқ»,— деяр эди. Станокларнинг ишлаши ёмон бўлмади.

— Ҳа, тинчликми? — деди Ҳанифа Насибанинг шодликдан энтикиб кетаётганини кўриб.

— Ҳа!... — деди аввалига Насиба, кейин ўша заҳоти,— Йўқ! — деди довдираб. Анварнинг суратини кўриб, — Қайтишингда тўғрилайсан, — деди якинлашиб.

— Нега?

— Дастгоҳларни айланиш қондаси шунақа. Ҳали дастгоҳларинг кўпайиб кетганида айниқса керак бўлади бу қоида. Ленейний маршрут дейди буни.

Насиба Ширинхоннинг гапига кирди...

— Ширинхон опа, назаримда мана бу станок матони зичроқ тўқиётганга ўхшаяпти-я?— деди Насиба куйиниб.

— Баракалла, синглим! — хурсанд бўлди Ширинхон. — Тўғри илғабсан. Танда бўшроқ тортилган экан. Кўрдингми?

— Ип таранг тортилса-чи?

— Унда мато сийрак тўқилади... Моки ичидаги ғалтакларнинг бўш ё таранг ўралишида ҳам гап кўп. Ҳамасининг касри уради матога ҳам... Бу дастгоҳингдаги матоингни қара! Бир бўлаги зич, бир бўлаги сийрак. Ип ташлаган жойларим бор. Нуқсони жуда кўп. Ердамга чақирмасанг бўлмайди.

Ширинхон сигнални кўтарди.

Насибанинг юраги дукиллаб кетди. Ахир мастер ёрдамчиси Анвар акаси-ку.

Насиба Анвар акасининг деганларини эслади. Ўшанда Анвар унга майлини билдиргач, Насибанинг назарида олам ёришгандай, ҳаммаёқ гулга, нурга бурканган-дай бўлди. Жўшиб куйлагиси, борлиқни қучгиси келди. Хайрлашишгандан кейин ҳам Насиба ўз-ўзидан хурсанд бўлаверди. Юриб эмас, гўё қанот пайдо бўлгану, учиб кетаётгандай эди у. Ётоғига ҳам учиб кирди. Раҳима каёққадир чиқиб кетган, Ҳанифа сурат томоша қилиб ўтирарди.

— Мана, мени йўқ қила қол!

— А! — истеҳзо билан бокди Ҳанифа «ранжибиига, — Сени-я?... Сен менга хеч қачон тўсиқ бўлолмайсан, — деди сўнгра ишонч билан,— бар-йўғи жиккакkина бир нарсасан, — ерга урмоқчи бўлди у Насибани — ниманга ҳам қарашарди... Кинога тушганимизда ёнингга ўтирганию, тортни сенинг номингдан менга совға қилганинга келсак... керилмаёк қўлқол. Анвар акамлар бунн жўрттага... менга ўчакишиб...

— Дугонажон, — Насиба мулойимлик билан унинг сўзини бўлди, — кел, очиқчасига гаплашиб олайлик, — Анвар ака менга...

— Сен билан гаплашадиган гапим йўқ, — деб тўнини тескари кийиб олди Ҳанифа. —бирок, йигитимда ишинг бўлмасин.

— Оралорингдан хеч кандай гап ўтмаган бўлса, қанақасига у сенинг йигитинг бўлади?

Ҳанифа индамади, Насиба унинг хеч нарсани тушунгиси келмаётгани, ҳатто гапларини эшитишни истамаётганини кўриб, дили хира тортди. Шу-шу дугоналар орасидан оламушук ўтгандай, бир-бирларига чап бўлиб қолишди. Тўғрироғи, шу дақиқадан бошлаб, Ҳанифа Насибага адоват билан қарайдиган бўлди.

Анварнинг Насибага айтганлари ростга айланди. У Насибани қўлидан келганича авайлар, ардоқлар, ёш болага ўхшатиб эркаларди. Насиба каерга боришни истаса, шу ерга боришар, Насиба нима деса, шунга «хўп», дерди. Илиқ муносабат Насиба киёфасини тамомила ўзгартирди. Ўзидан, ёнидаги хомийсидан кўнгли тўқлиги чиройнинг очилиши, ишининг юришишига сабаб бўлди. Касбини ҳам зудлик билан ўзлаштира бошлади. Устозлар хурсанд... Анвар акаси ҳам.

Анвар келиши билан Насибанинг назарида цех ёришиб кетгандай бўлди. Насиба уни кўзлари қулиб кутиб олди. Насибани кўрганидан мамнун бўлган Анвар ёқимли жилмайди-да, станок қисмларини бир бир кўриб, тартибга келтира бошлади. Насиба Анварнинг билағонлигига қойил қолди... Анвар тузатиб кетгач, станоклар бенуқсон ишлай бошлади.

Эртаси, индинига Насибанинг станоклари яна ҳам тезикроқ ишлади. Орадан анча вақт ўтиб, Насиба бутунлай нуқсонсиз ишлай бошлагач, унга нормадаги йигирма тўртта станокни ишониб топширишди. Энди уни иш устида кўрсангиз...

Бошига дуррача танғиган, енги калта кўйлак устидан фартуғ боғлаган Насиба станоклар орасида яйраб юргандек. Шу туришда уни оркестрни бемалол бошқараётган дирижёрга қиёсласа бўлади. Станокларнинг бир маромда тарақлаши ёқимли куй тингласангдай роҳат бахш этади унга. Завқи жўшиб, ғайратига ғайрат, кучига-куч қўшилаётгандай бўлади. Барча жараёнда гўзаллик кўради у. Танда иплари таранг тортилган улкач станоклар назарида бошига ҳарир рўмол ўраб, юзини пана қилган сулув кизларга ўхшаб кетади... Атрофга тезда йиғилиб келадиган бекорчи ипдар, эумда уйлиб кетадиган момиқлар Насиба бошқараётган станокларда қўним топмаслиги ҳам шундандир, балки. Насиба уланни яшин тезлигида олиб, артиб, тозалаб улгуради. Шу сабабли ипдар ҳам хафаганда узилавериб, чувалавериб кўнглини ғаш қилмайди. Ипларнинг бот-бот узилиши, чувалашиши асосан гардданда. Тўқилган матода тугун кўпайиб, сифати паст бўлишига ҳам шу сабаб... Ишидан кўнгли тўқ Насиба фарзандини оқ ювиб, оқ тарай олганидан фахрланган онадай ғурурли тутади ўзини.

Мустақил ишга ўтганидаги қийналганлари кули кечагина эди. «Кетманлаб бувисига ҳасрат қилиб йиғлаганлари бугунгидай эсида. Бувиси доно аёл. У одамнинг ҳолатини тезда тушунади. Дардини обдон эшитиб, бироз сукут сақлади-да:

«Уша ерда ҳам одамлар ишлайдими? — деди: — Шундай экан, сен ҳам ишла! Қўл урдингми, уддала. Нон ейишни яхши кўрсанг, ўтин теришдан эринма» — дейдилар. Қийинчиликка чидаш керак. Бўталоғим. Сабр қилган етар муродга, сабр қилмаган қолур уятга», — деди... Мана ҳозир станокларини яйраб-яйраб бошқаряпти. Бу кунни озмунча орзу қилганмидики!

Дастлабки пайтлар Насиба станоклардан қанчалик ҳайиққан бўлса, энди станоклар ундан чўчиб: «лаббай қизча, хўп қизча!» — деб қўл қовуштириб тургандек эди хар бири.

— Якинда «ишчи маҳорати» конкурси ўтказилади. Шай бўлинг тур! — деб огоҳлантирди Ширинхон уни.

Насиба қаттиқ ҳаяжонланди. Шу кунни энтикиб кутди.

Марва ЖАЛОЛИДДИНОВА.

ТО Справкалар бюроси

ҲАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

К. ШАРИПОВ: Айтингчи, олий ўқув юртлари ва техникумларда имтиҳонларни топширишга нечун ва ҳизматчиларнинг иш ҳақи қанча бўлиши керак?

Жавоб: Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда олий ва ўрта махсус ўқув юртларининг кечки ва сиртқи бўлимларида таҳсил кўрувчи нечун ва ҳизматчиларга зачётларни топшираётган даври, курс ишлари ва давлат имтиҳонларини топшираётган вақти учун, шунингдек диплом лойиҳасини бажариш ва уни ҳимоя қилиш вақти учун қўшимча отпускалар берилади. Бу отпускаларнинг қанча кун бўлиши ўқишнинг формаларидан (кечки ёки сиртқи) ва ўқувнинг (курс) нечанчи йилдалигидан боғлиқ бўлади. Юқорида кўрсатиб ўтилган отпускаларга отпускага қўшилувчи 12 ойлик ўртача иш ҳақидан ҳақ тўланади. Шуни ҳам айтиш керакки, олий ўқув юртлари студентлари учун сақланиб қоладиган иш ҳақи ҳажми ойига 100 сўмдан, техникумларда таҳсил кўрадиган шахслар учун эса ойига 80 сўмдан ошмаслиги керак.

* * *

О. РАҲИМОВА: Биз яқинда пианино сотиб олган эдик. Шаҳримизда пианиноларни созлаш ишлари билан шуғулланадиган ташкилот борми? Илтимос, шу ҳақда маълумот берсангиз.

Жавоб: Шаҳримизнинг Весна кўчасидаги 223-уйда жойлашган «Техсложбытприбор» бирлашмаси пианиноларни созлаш ишлари билан ҳам шуғулланади. Буюртмаларни 91-05-32 рақамли телефон орқали бериш мумкин. Агар пианино янги бўлса, ундан фойдаланишнинг биринчи йилида пианинони икки марта созлаш керак. Кейинчалик ундан қандай фойдаланишлигига қараб бир йилда бир марта пианинони созласа бўлади. Шуни ҳам унутмаслик керакки, пианинога қандай қараб туриш унинг паспортида ёзиб қўйилган. Ана шу қоидаларга ҳам қатъий амал қилиш керак. Шунингдек, чолғу асбобини махсус гилоф билан беркитиб қўйиш фойдадан ҳоли эмас. Ана шундай ҳолларда унга қўйи нурлари тушмайди, шамоллар таъсири ҳам бўлмайди. Пианино қопқоғи тагига нафталин солинган пакетни ҳам жойлаштириб қўйиш керак.

* * *

Х. ТОИРОВ: Мени биринчи бор светофор қачон пайдо бўлганлиги тўғрисида маълумот қизиқтиради.

Жавоб: Бундай 110 йил муқаддам Лондон кўчаларидаги чорраҳалардан бирида светофор пайдо бўлди. Дастлабки светофор қизил ва яшил рангларни ифорат бўлиб, бу газ билан ишлайдиган ун-чалик такомиллашмаган прибор эди. Унинг қизил ёки яшил рангларини қўл билан ёқиб-ўчирилар эди. Фақат ярим асрдан сўнггина электр светофорлари унинг ўрнига келди. 30-йилларга келиб эса ҳозирги замонавий автоматлашган учта сигнали светофорлар пайдо бўлди.

* * *

Б. КАРИМОВА: Мактабгача педагогика билим юртларини тугаллаган кишилар массажчи бўлиб ишлашлари мумкинми?

Жавоб: Йўқ, мумкин эмас. Медицина ҳамширалиги ихтисослигини эгаллаган ва Семашко номидаги Ўзбекистон курортология ва физиотерапия илмий-тадқиқот институтида махсус тайёргарликдан ўтган кишиларгина массажчи бўлиб ишлашлари мумкин.

* * *

Х. ҚОСИМОВ: Мамлакатимиздаги қайси олий ўқув юртида фотографлик касбини эгаллаш мумкин?

Жавоб: Бундай мутахассисларни Ленинграддаги кинонженерлар институти тайёрлайди. Унинг адреси: Ленинград шаҳри, Правда кўчаси, 13-уй.

3 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ

24 НОЯБРЬ, 1981 й.

• СЎНМАС У КУНЛАР ШУҲРАТИ

ВЕТЕРАННИНГ ҚУВОНЧИ

Қаҳҳор Муллажонов Тошкентда туғилди. Мактабни тугатганидан кейин тўлиқсиз ўрта мактаблар учун ўқитувчилар тайёрлаш бир йиллик курсида таълим олди. Шундан кейин йўлланма бўйича Фарғонага борди, тарих ўқитувчиси бўлиб ишлади. У Улуғ Ватан уруши бошланиши арафасида Қизил Армия сафига чақирилди. 1943 йилнинг апрель ойида кичик лейтенант Муллажонов пулемёт взводининг командири сифатида 2-Украина фронтига жўнатилди.

...Икки ойдан буён фашист босқинчилари Волгоград шаҳрига тинмай ҳужум қилишарди. Трактор заводи ва унинг яқинидаги территорияларни 101-ўқчи полки мудофаа қилаётган эди. Босқинчилар шаҳарни ҳаводан ҳам, узоқ масофадан ҳам ўққа тутар, бутун бинолар, далаларни остин-устин қилиб юборган эди. Жанг майдонида мурдалар қалашиб ётарди. Ана шу беомон олишувда Волгоград ҳимоячилари ўзига хос жасурлик намунасини кўрсатишарди. Даҳшатли жанглардан кейин босқинчилар заводнинг бир қисмини қўлга киритишга муваффақ бўлишди. Душман бу ердаги позициясини мустаҳкамлаш ниятида фронтнинг бошқа участкаларидан қўшимча куч олиб кела бошлади. Унинг мақсади қисмларимизни иккига бўлиб юбориш ва кучсизлантириш эди. Аҳвол ниҳоятда оғирлашиб борарди. Ана шу пайтда армия штабидан ҳар қандай йўл билан бўлса ҳам душманни қувиб чиқариш ҳақидаги буйруқ олинди. Кичик лейтенант К. Муллажонов командирлик қилаётган рота душман эгаллаб олган тепаликка жуда яқин эди. Лекин тинимсиз ўқ ёмғири туфайли жангчилар ўз ўринларида қимирламай ётишарди. Шу боисдан ҳам душман бу участкадаги кучларни бир мунча мустаҳкамлаб олди. Дақиқалар ўтиши билан душманнинг техникаси ва кучи тобора кўпайиб борарди. Бундай шароитда сусткашликка йўл қўйиш жаҳолатга юз тутиш деган гап. Вазиятдан чиқиш мақсадида рота командири ва комиссар ўзаро бир фикрга келишди. Душман эгаллаб турган маррага қадар юз метрча очиқ майдон бор эди. Бу майдонни босиб ўтиш ниҳоятда мушкул. Командир ва ҳарбий комиссар ҳужумга ўтишга қарор қилишди. Шуни ҳам таъкидлаш керакки, жангчиларнинг руҳи баланд, уларда ўлим даҳшатидан кўра келтирилган офат ва вайроналиклар учун Ватаннинг муқаддас тупроғини тепкилаб юрган душмандан қасос олиш туйғуси устун эди. Жангга кириш олдидан Қ. Муллажонов ўзи туғилиб ўсган қўшли Ўзбекистонни, онасини ёдга олди. Чўнтагидан севгилиси ҳадя қилган рўмолчани олиб юзини артди. Шу вақт унинг томоғига бир нарса келиб тиқилгандек бўлди.

— Жангчилар, ҳужумга! —деди у қатъий оҳангда.

Жангчилар ертўлаларда нарғи томонни кузатиб туришарди. Ўқ ёмғири тинмасди. Снарядлар портлар, кўтарилган қора тутун эса борлиқни қоплаб олган. Бу манзара худди эртакларгаги даҳшатнинг ўзгинаси эди.

— Ватан учун! Олга! — Жангчилар тўс-тўполонда унинг сўзини эшитишмади, лекин ўрнидан туриб олдинга ташланганлигини, немислар томонга бораётганлигини аниқ кўришди. Ана шундан кейин рота ҳаракатга келди. Шу дақиқада қўшни бўлинмалар ҳам душманга ўқ ёғдира бошлади-лар. Жангчилар қатъий ҳужумга киришдилар. Ҳарбий техника ва қуролларнинг портлаш овози орасида «Ура!» садоси ҳам эшитилиб турар эди. Улар гоҳ ётишар, гоҳ югуришар, гоҳ яна олдинга ташланишарди. Ниҳоятда қийналган жангчилар ўлимга тик бораётганликларини яхши билишарди. Қ. Муллажонов уларнинг олдида борар эди. У биринчи бўлиб душман билан қуролсиз яккама-якка олишувга киришди. Маълумки, жангда ўқ кимга бориб тегаётганлигини суриштириб ўтирмайди. Қ. Муллажонов босқинчилардан бирини бўғиб ўлдираётганда икки жойидан яраdор бўлди. Жангчиларимизнинг қатъий иродаси ва жасорати туфайли душман ўзи эгаллаган маррадан ҳайдаб чиқарилди. Қўмондонликнинг буйруғи бажарилди. Жангчилар ҳам ўзларининг, ҳам командирнинг жасоратидан фахрланиб бир-бирларини ғалаба билан табриклашарди. Шу куни кичик лейтенант Қ. Муллажонов рота командири этиб тайинланди ва «Қизил юлдуз» орденига тақдим этилди.

У ҳарбий госпиталда даволангандан кейин яна ўз қисмига қайтиб келди. Полтава, Днепр учун бўлган жангларда қатнашди. Кўрсатган қаҳрамонликлари учун бир неча марта медаллар билан тақдирланди.

Урушдан кейин запасдаги майор Қаҳҳор Муллажонов Москвадаги икки йиллик олий партия мактабини битирган йўлланма билан Ўрта Осиёга келди. Мирзачўлни ўзлаштиришда қатнашди. Турли раҳбарлик лавозимларида ишлади. Ҳозир Қаҳҳор Ваҳобович Ўзбекистон ССР ёзувчилар союзида хўжалик мудири бўлиб ишламоқда.

В. ЕГОРОВ.

ХАР ҚАНДАЙ КОСТЮМ, МАВСУМ, ЁШГА МОС

Ўзбекистон ССР Енгил саноат министрлигининг пойафзал фабрикаларида тайёрланган пухта, модали ва чиройли пойафзалларни

Сиз ҳамма пойафзал магазинларидан ҳарид қилишингиз мумкин

ХОТИН-ҚИЗЛАР УЧУН:

замширкондан баланд пошнали ва полиуретан таг чармли туфли. Баҳоси— 46 сўм;

қўнғир тусли, узун, баланд ва ўрта қўнжли, сунъий мўйна астар қўйиб тикилган хром этиклар. Баҳоси —60 сўмдан 80 сўмгача.

ЭРКАКЛАР УЧУН:

хромдан, сунъий қора мўйна қўйиб тикилган ботинкалар. Баҳоси— 17 сўмдан 20 сўмгача;

хромдан микропор таг чармли калта қўнжли этиклар. Баҳоси— 38 сўмдан 48 сўмгача;

БОЛАЛАР УЧУН:

астари иссиқ ва сунъий мўйна қўйилган, таг чармли ва резина таг чармли болалар, ўқувчилар ботинкалари. Баҳоси— 5 сўмдан 20 сўмгача;

турли моделда ва рангдаги хром этиклар. Баҳоси— 3 сўмдан 15 сўмгача.



«УЗОБУВЬТОРГ» ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ БАЗАСИ.

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими Давлат комитетининг

228-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

Қуйидаги ихтисосликлар бўйича:

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

саноат ускуналари ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича слесарь-сантехник, электромонтёр, контроль-ўлчов асбоблари ва автоматиканинг токари ва слесари.

ЎҚИШ МУДДАТИ — 6 ОЙ.

Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган йигитлар қабул қилинади.

Билим юртига қабул қилинганлар ойига 80 сўм стипендия ва ишлаб чиқариш фаолияти даврида ишланган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Машғулотлар ўқув группаларининг комплектланишига кўра бошланади.

АРИЗАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, 19-алоқа бўлими, Собир Раҳимов райони, Собир Раҳимов кўчаси, 313-уй.

ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР!

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ

Ф. Хўжаев номли 1-пойафзал фабрикаси қошидаги

143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

ҚЎШИМЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди: **пойафзал бошлиғини биғувчи, заготовка тикувчи, пойафзал тикувчи, тайёр маҳсулотни қабул қилувчи контролерлар, чарм-галантерея маҳсулотларини тикувчилар, слесарь-ремонтчи, электро-монтёр, конструктор-модельер.**

Билим юртига қабул қилинган 8— 10 синфни тамомлаган ўқувчиларга ҳамма ҳунарлар бўйича ўқиш муддати 6 ой ва улар 70 сўм стипендия билан таъминланадилар. Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртини битирганлар Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида ва чарм-галантерея фабрикасида ишлайдилар.

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун пойафзалчилар маданият саройи ва ундаги туристик ва спорт, ҳаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

Билим юрти қошида ишчи ёшлар мактаби бор.

Билим юртини яхши битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.

Ўқишга киришни хоҳловчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим қилишлари лозим: директор номига ариза, маълумоти ҳақида, ҳужжат, туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома ёки паспорт, турар жойидан справка, 3х4 см. ҳажмдаги 6 та фотосурат.

Ҳужжатлар якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (122, 123-автобус, 2, 3, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 54-99-04.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 24/XI да Келинлар кўзголони, 25/XI да Оқ танглилар (16.00), 26/XI да Оқ танглилар (16.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 25/XI да Олифта (16.00, 19.30), 26/XI да Ўжарлар (15.00, 19.30).

ЦИРК

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— янги программа «ПРОМЕТЕЙ» цирк спектакли.

КИНО

24 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ИМТИҲОН»— Қозогистон.

«ТУЛА ЖАСОРАТИ» —Восток.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЁН ДАФТАРНИНГ СИРИ» — Тинчлик (жуфт соатларда), Искра (16, 18, 19.45).

«УМР ЙЎЛДОШИМ БЎЛИНГ» — Нукус (тоқ соатларда), Ҳамза номли (жуфт соатларда), Қозогистон (тоқ соатларда), ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли (жуфт соатларда), Чайка (жуфт соатларда), Москва (тоқ соатларда).

«СИРЛИ ЗАНЖИРЧА» — Қозогистон (жуфт соатларда).

«ТЕҲРОН—43» — Саньат саройи (катта зал, 16.15, 19.15; кичик зал 17.15, 19.45).

25 НОЯБРДА

ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР:

«ИМТИҲОН»— Қозогистон.

«ТУЛА ЖАСОРАТИ» —Восток.

«ХАВФЛИ ЎЙИН»— Пионер.

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«ЁН ДАФТАРНИНГ СИРИ» — Тинчлик (жуфт соатларда), Искра (16, 18, 19.45).

«УМР ЙЎЛДОШИМ БЎЛИНГ» — Нукус (тоқ соатларда), Ҳамза номли (жуфт соатларда), Қозогистон (тоқ соатларда), ВЛКСМнинг 30 йиллиги номли (жуфт соатларда), Чайка (жуфт соатларда), Москва (тоқ соатларда).

«СИРЛИ ЗАНЖИРЧА» — Қозогистон (жуфт соатларда).

Меҳнат Қизил Байроқ орденли «Узбекгидроэнергострой» трестининг

ЎҚУВ КОМБИНАТИ

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

КУРСЛАРГА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

автокран машинисти (шофёрлардан олинади.), бульдозер машинисти, электргаз пайвандловчи, металл конструкциялар ва йиғма темир-бетон монтажчиси, слесарь-сантехник.

Ўқиш муддати — 3 ой.

Ойига 75 сўмдан стипендия тўланади, бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхоналардан жой берилади.

Курсларни битирган кишилар Тошкент, Қибрай ва ново Ангрен участкаларининг ихтисослаштирилган ишлар бошқармаларига ишга юбориладилар.

Машғулотлар группаларининг комплектланишига қараб бошланади.

Барча масалалар бўйича ушбу адресга мурожаат этилсин: 700170, Тошкент шаҳри, Комсомол 40 йиллиги кўчаси, 39«а»-уй. Телефон 66-09-02.

Главташкентстрой» «СТРОЙМЕХАНИЗАЦИЯ» трестининг

54-МЕХАНИЗАЦИЯ БОШҚАРМАСИГА

3, 4, 5-разрядли минорали кранларнинг машинистлари, 1, 2, 3, 4, 5-разрядли йўл монтёрлари, 3, 4, 5-разрядли слесарь-монтажчилар, 3, 4, 5-разрядли автослесарлар, 3, 4, 5-разрядли электро-слесарлар

КЕРАК

МЕҲНАТ ҲАҚИ ИШБАЙ.

Ёлғиз кишилар Тошкент шаҳрига прописка қилинадилар ва ётоқхона билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Оржоникидзе райони, Ялонғоч посёлкаси, Карамурдская кўчаси (101-маршрутли таксининг «Мичурин номли пионерлар лагери» бекати). Телефон 62-04-91).

Тошкент шаҳридаги В. И. Ленин номли 28-ўрта мактаб томонидан Файзуллаев Забихулла Турсунович номига берилган 624139 номерли йўлланма

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ БЕКОР ҚИЛИНАДИ.



СУРАТДА: шаҳар ободонлаштириш ва қўналамзорлаштириш бўлими ишчилари Революция хиёбонида ободонлаштириш ишларини олиб боришмоқда.

М. Нуриддинов фотоси.

• СПОРТ • СПОРТ

ЮГУРИШ ЗАВҚИ

Жалолободлик тўққиз яшар мактаб ўқувчиси Толя Лукьянов ва фрунзелик 64 яшар пенсионер Вера Михайловна Слашчева Қирғизистонда биринчи марта ўтказилган оммавий енгил атлетика югуришининг қаҳрамонлари бўлишди. Югуриш мусобақаси республика пойтахти кўчалари бўйлаб ўтказилди.

Ёмғирли кун бўлишига қарамай стартга юздан ортиқ енгил атлетика ишқибозлари — ветеранлар ва ёшлар, спорт мастерлари, разрядли спортчилар ва бошловчи югурувчилар чиқишди. Югуриш қатнашчилари 3 километрдан 30 километргача бўлган олти масофадан хоҳлаганларини танлаб олишлари мумкин эди.

Фрунзеда оммавий енгил атлетика югуришини ҳар йили икки марта— баҳорда ва кузда ўтказишга қарор қилинди.

«ПРАГА КОНЬКИЛАРИ» ИМТИҲОН ҚИЛАДИ

Совет Иттифоқилик тўртта фигурачи Прагада ниҳоясига етган машҳур «Прага конькилари» халқаро турнирида тўртта мукофотни қўлга киритишди. Москва областидан 19 яшар Алла Фомичева хотин-қизлар якка беллашувида учинчи ўринни эгаллади, шу мусобақада канадалик Керри Смит ғалаба қозонди. Москвалик 18 яшар Гурген Варданян ҳам эркаклар якка беллашувида учинчи ўринни олди. Мусобақа мезбони, яқинда Оттавада ўтказилган «Канада кубоги» мусобақасининг совриндори Йозеф Сабовчик биринчиликни эгаллади.

Инна Волянская билан Валерий Спиридонов спорт жуфти турнирида кумуш медални, Юлия Романова билан Юрий Гайченков (ҳаммаси москвалик спортчилар) эса рақс дуэтлари ўртасида бронза медалларни қўлга киритишди.

(ТАСС).

БУ — ҚИЗИҚ

ҚАДИМГИ ПАХТАЧИЛИК УСУЛИДА

Бундан уч минг йил муқаддам қадимги деҳқонлар пахта чигитини денгиз қирғоғи қумларига аралаштириб экканлар. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар биологияси институти олимлари ана шу «жумбоқ»нинг сирини очишга муваффақ бўлишди.

Гап шундаки, ана шу агротехник усул билан қадимги деҳқонлар, ўзлари билмаган ҳолда, тузларнинг уруғликка ёмон таъсир кўрсатишига барҳам берганлар. Қум аралашмаси уруғликни кальций билан бойитиб, тараққиётига ижобий таъсир ўтказган. Бу пахтанинг шўрхок ерларга нисбатан ҳосилдорлигини бир неча баравар оширган.

Ана шу қадимий усулни қўллаш натижасида Сирдарё областининг Боёвут районида ҳосилдорлик гектарига беш-етти центнерга ошди. Энди бу усул шўр ерлари кўп бўлган ушбу областнинг кўпчилик хўжаликларида тадбиқ қилинмоқда.

• *Яҳшидан боғ қолади*

Ўз кучлари билан

Тошкент экскаватор заводининг ишчилари Йўлдошевлар оиласи қишга сабзавот тайёрлаш ишларини тамомлади. Улар ўз участкаларидан картошка, карам, помидор, бақлажон ва бошқа полиз экинларини йиғиштириб олдилар. «Экскаваторшчик» богдорчилик ширкатининг аъзоларидан юзга яқин киши бу йил бир килограмм ҳам сабзавот сотиб олмади. Улар йиғиштириб олган ҳосил фақат оилагагина эмас, шу билан бирга уларнинг қариндош-уруғларига ҳам етди.

Шаҳар ижроия комитети заводга бундан уч йил илгари Чимён яқинидаги Паркент районидан ер ажратиб берган эди. Завод касаба союз комитети ва маъмуриятининг қарори билан илғор ишчиларга олти сотихдан ер тақсимлаб берилди. Машинасозлар зўр ғайрат билан янги ерларни тозалашга ва ўзлаштиришга киришдилар. Корхона ўғит ташиб келтиришда, ер участкаларини тош йўллар билан боғлашда ва электрлаштиришда кўмаклашди. Экинларни суғориш учун қудуқ қазилди ва насос ўрнатилиб, кичик-кичик уйлар қурилди. Завод дачаларни ободонлаштириш учун ишлаб чиқариш чиқиндилари—ёғоч қопламалар, металл парчалар ажратди. Р. Р. Шредер номли богдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий тадқиқот бирлашмасининг ходимлари ширкатга мевали дарахт кўчатлари етказиб бердилар ва уларни парвариш қилишга оид ўз маслаҳатларини аямадилар.

Ҳозир машинасозларнинг беш гектар майдондаги боғида Ўзбекистоннинг тажрибали боғбонлари етиштираётган барча хил мевалар— олма, ўрик, шафтоли, узум, беҳи, смородина ва малина меваларининг энг яхши навлари бор. Бу йил кузда ширкат аъзоларининг кўпчилиги мевалардан дастлабки ҳосил йиғиштириб олдилар. Улар келгусида ортиқча меваларни завод буфетига, болалар боғчалари ва ясли-ларига топширишга қарор қилдилар.

(ЎзТАГ).



«ЧИНОР».

М. Нуриддинов фотоэтюди.

Редактор С. М. КАРОМАТОВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

24 НОЯБРЬ— СЕШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

18.15 «Ёшлар адреслари». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Қалбга яқин қўшиқлар». 20.15 «Подмосковье бўйлаб». Кинолавҳа. 20.25 «Сенинг фарзандинг, Ер!». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия. 21.30 «Время». 22.15 «Фан оламида». «Аэробус ИЛ—86». 23.00 «Дунё воқеалари». 23.15 Р. Штраус. «Дон Жуан». симфоник поэмаси. Франкфурт-Майн (ГФР) радиосининг симфоник оркестри ижро этади. Дирижёр — Э. Мата (Мексика).

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси

19.30 «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуковнинг халқаро мавзуларди суҳбати. 20.15 Телевизион ҳужжатли фильмлар программаси. 20.55 Дитценбах шаҳри ҳаваскорлар хорининг концерти (ГФР). 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кинкинтойлар». 21.30 «Время». 22.15 «Кутишга вақтимиз йўқ». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 Болалар учун фильм. «Гулька». 18.30 «Қизиқарли учрашувлар». Ёш мухбирларнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Вазира Назирова билан учрашуви. 19.10 «Ёдгорлик қирралари». Телефильм. 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Ҳаёт мактаби». Леонид Ильич Брежневнинг «Эсдаликлар» китоби ҳақида. 20.05 «Кечки концерт». Музикали телефильм. 20.30 «Ахборот». 20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси солистларининг концерти. 21.30 Москва. «Время». 22.15 КПСС XXVI съезди қарорлари— ҳаётга! «Чорвачилик — зарбдор фронт». 22.30 Югославия Социалистик Федератив Республикасининг миллий байрами— Республика кунига. «Муҳаббат ва нафрат». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»). 23.55 Кўрсатувлар программаси.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Кўлдан денгизгача». Телефильм. 18.30 «Ўқитувчи экрани». Такомиллаштирилган программа асосида география ўқитувсининг иши (рус.). 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Чизма геометрия. 20.00 Янгиликлар. 20.25 «Ўртоқ бригада». Телевизион бадиий фильм. 2-серия (рус.). 21.30 МТ. IV.

25 НОЯБРЬ— ЧОРШАНБА

Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

9.00 «Время». 9.50 Эрталабки гимнастика. 10.15 «Пионерия» болалар хор студиясининг концерти. 10.40 «Сенинг фарзандинг, Ер!». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 2-серия. 11.45 «Аушра Стасюнайте билан учрашув». Фильм-концерт. 12.20 Янгиликлар. 15.00 Янгиликлар. 15.20 Мамлакат телевидение студиялари ҳужжатли фильмлари программаси. 16.15 Рус тили. 16.45 «Ҳунартехника таълими билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади?». Шахтёрлик шуҳратининг ворислари. 17.15 СССР халқларининг қўшиқлари ва рақслари. 17.55 «Горичилар, қаердасиз!».

18.25 Вюртемберг камер оркестрининг концерти (ГФР). 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 «Экономика тежамли бўлиши керак». Қурилишда маҳаллий материаллардан фойдаланиш тажрибаси ҳақида. 19.50 «Халқ жилолари». Концерт. 20.20 «Сенинг фарзандинг, Ер!». Кўп серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия. 21.30 «Время». 22.50 «Серенада». Музикали программа. 23.00 «Дунё воқеалари». 23.15 «СССР халқ артисти И. Ильинский Совет авторларининг асарларини ўқийди». Фильм-концерт.

Марказий телевидениенинг тўртинчи программаси.

9.00 «Время». 9.50 Ҳужжатли фильм. 10.05, 12.05 ва 17.00. Немис тили. 10.35 ва 11.35 Одам анатомияси, физиологияси ва гигиенаси. 8-синф. Юрак қандай ишлайди. 11.05 Тикланиш даври санъати. 2-кўрсатув. 12.35 ва 13.35 Умумий биология. 9-синф. Табиий ва сунъий танлаш, ВАСХНИЛ академиги А. А. Созинов иштирок этади. 13.05 ва 17.30 «Ота-оналар, Сизлар учун». 14.05 «О, менинг Дельвигим...». 15.05 Сенинг ленинча кутубхонанг. «Лев Толстой рус революциясининг кўзгуси сифатида». 15.50 Ўқитувчига музика дарси. 3-синф. 2-кўрсатув. 16.50 «Коррозияга қарши қандай курашиш керак?». Илмий-оммабоп фильм.

19.30 Псков рус халқ хори ижро этади. 19.50 «Мирный». Телевизион ҳужжатли фильм. 20.15 «Қишлоқ янгиликлари». 21.15 «Тунингиз ҳайрли бўлсин, кинкинтойлар». 21.30 «Время». 22.15 «Ёшлик қирғоқлари». Бадиий фильм.

Ўзбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Физика. СССРда алоқа воситаларининг ривожланиши. 12.00 «Ҳаворанг календарь». Телефильм. 12.30 Физика. СССРда алоқа воситаларининг ривожланиши (рус.). 13.00 «Муҳаббат ва нафрат». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Ҳамма гап шлапада». Мультфильм. 18.20 Мактаб ўқувчилари учун. «Камалак». 18.50 «Қувончга қувонч қўшиб». Телефильм. 19.10 «Партия турмуши», «Социалистик мусобақага партиявий раҳбарлик». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 Адабий театр. Рамз Бобожон. «Минг бир турна». Шоир туғилган кунининг 60 йиллигига. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Дил тароналари». Концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.15 «Гулла диёрим менинг». Концерт. 23.25 Хоккей бўйича СССР чемпионати. «Бинокор» — «Молот» (Пермь). «Юбилейный» спорт залидан олиб кўрсатилади. 3-давр. 23.10 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги. 24.00 Кўрсатувлар программаси.

II

18.05 Кўрсатувлар программаси. 18.10 «Эртанги кун ташвишлари». Телефильм. 18.30 «Жануб гуллари». Фильм-концерт. 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Химия. 20.00 Янгиликлар. 20.20 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Француз тили. 20.50 «Бурят жилолари». Телефильм. 21.00 «Қонун қўриқчилари».

4 ЮШКЕНТ бет ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши —32-53-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83 совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот—33-28-95, спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 33-29-70; аъзолик бўлими —33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

24 НОЯБРЬ, 1981 й. Р —02358. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691.